

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ УТКИР ИСМАИЛОВИЧ

**ЎРТА ОСИЁДА ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ИЛК
ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of abstract of the doctor of science (DSc) dissertation

Абдуллаев Уткир Исмаилович

Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи3

Абдуллаев Уткир Исмаилович

История первобытнообщинного строя и ранней государственности Средней Азии.....33

Abdullaev Utkir Ismailovich

The History of Primitive Community System and Early Statehood in Central Asia63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....68

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ УТКИР ИСМАИЛОВИЧ

**ЎРТА ОСИЁДА ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ИЛК
ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tar70 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич тарих фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Атаходжаев Азимхўжа Музаффарович тарих фанлари доктори Анарбаев Абдулхамиджон тарих фанлари доктори Холматов Нормоҳаммад Ўрозович тарих фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.А.Маврулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж.Ураков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Г.А.Агзамова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср бошлари жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви давлатчилик анъаналарини янги босқичга олиб чиқиб, халқлар ўртасидаги муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласида бир қатор вазифаларни қўймоқда. Бу борада цивилизация ва давлатчилик тарихи тараққиётидаги инсонпарварлик анъаналари, бағрикенглик қадриятлари ва маданий мулоқот сабоқларига мурожаат этиш инсониятнинг барқарор ривожланишига кўмаклашади. Шунинг учун ҳам мазкур муҳим вазифанинг аҳамияти жаҳон миқёсида тобора ўсиб бормоқда.

Жаҳонда Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи ва маданияти, минтақада илк давлатларнинг вужудга келиши тарихини ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихшунослиги, турли географик шароитда тарихий-маданий ривожланиш хусусиятлари, ибтидоий жамиятдан давлатчилик тизимига ўтиш омиллари, миграцияларнинг этномаданий жараёнларига таъсири, ўтроқ зироатчи аҳоли ва чорвадор қабилаларнинг жамоаларида давлатчиликнинг пайдо бўлиш хусусиятлари каби илмий муаммоларни таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги даврда республикамізда илмий тадқиқотларни ривожлантириш, айниқса, тарих фанлари долзарб мавзулари бўйича илмий изланишларни ташкил этиш, археология соҳаси тараққиётини таъминлашда самарали ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “O‘zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори¹нинг қабул қилиниши бу тизимда ўтказилаётган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу, ўз навбатида, давлатчилик тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган қадимги Бактрия, Марғиёна, Суғд, Хоразм, Фарғона водийси аҳолисининг минтақа ва жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасининг аҳамиятини ёритиш, тарихий-хронологик изчиллик асосида очиб бериш, минтақа тарихини янги маълумотлар билан бойитиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 17 январдаги Ф-5181-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда Вазирлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4390-сон Қарори // lex.uz / docs / 4414469.

Маҳкамасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Жаҳонда Ўрта Осиё халқларининг ибтидоий ва илк давлатчилик даври тарихига оид тадқиқотлар қатор илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда: Илмий тадқиқотлар Миллий Маркази (Франция), Германия Археология институти, Оксфорд ва Шеффилд университетлари (Буюк Британия), Неаполь университети (Италия), Классик археология институти (Чехия), Россия Федерацияси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Россия Федерацияси Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Археология ва этнография институти, Россия давлат Шарқ музейи, Токио университети (Япония).

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёда тош даври тарихига оид қуйидаги илмий натижалар олинган: Тошкент воҳасидаги Обираҳмат маконида яшаган одамларнинг қадимги тош даври хўжалик фаолиятига доир турли меҳнат қуроллари аниқланган (Россия Федерацияси ФА Сибирь бўлими); Жанубий Ўзбекистонда неолит даври Тўда ёдгорлигида топилган моддий манбалар асосида ибтидоий давр аҳолисининг ўзлаштирувчи хўжаликларга хос хусусиятлари очиқ берилган (Токио университети); Туркманистондаги Жойтун маданияти илк деҳқончилик манзилгоҳида ишлаб чиқарувчи хўжалик турларига ўтиш

²Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи [https:// archaeology.nsc.ru.](https://archaeology.nsc.ru;); [www.hsu.ru.](http://www.hsu.ru;); [http:// archaeology.uz.](http://archaeology.uz;); [https:// www.ehess.fr/](https://www.ehess.fr/); [https:// uz history.uz](https://uzhistory.uz).[https:// soas.ac.uk](https://soas.ac.uk) ва бошқа манбалар асосида тайёрланди: Hiebert F.T., Lamberg – Karlovsky C.C. Central Asia and the Indo – Iranian Borderlands // Iran, 1992. Vol. 30. – P. 1-15; Lamberg – Karlovsky C.C. The Bronze Age khanates of Central Asia // Antiquity, 1994. Vol. 68 (259). – P. 398-405; Hiebert F.T. Production evidence for the origins of the Oxus Civilization // Antiquity, 1994. Vol. 68. – P. 373-387; Francfort H. – P. The Central Asian dimension of the symbolic system in Bactria and Margiana // Antiquity, 1994. Vol. 68. – P. 406-427; Harris D.R., Gosden C., Charles M.P. Djeitun: Recent Excavation at an Early Neolithic Site in Southern Turkmenistan // Proceedings of the Prehistoric Society, 1996. Vol. 62. – P. 423-442; Boroffka N., Cierny J., Lutz J. Bronze Age tin from Central Asia // Late Prehistoric Exploitation of the Eurasian Steppe. – Cambridge, 1999. – P. 14-29; Huff D. Tempel oder Palast? Dscharkutan – Monumentalbauten und Siedlungim bronze zeitlichen Baktrien // Archäologische Entdeckungen. – Mainz, 2000. – S. 115-118; Salvatori S. Bactria and Margiana Seals. A new Assessment of their Chronological Position and a Typological Survey // East and West, 2000. Vol. 50. – P. 97-145; Hiebert F.T. Bronze Age interaction between the Eurasian steppe and Central Asia // Ancient intera actions: East and west in Eurasia. – Cambridge, 2002. – P. 237-248; Lamberg – Karlovsky C.C. Civilization, state or tribes? Bactria and Margiana Bronze Age // The Review of Archaeology, 2003. Vol. 24. – P. 11-19; Huff D., Shaydullaev Sh. Djarcutan // Archäologischer Anzeiger. – Berlin, 2003, – P. 110-113; Cattani M. The final phase of the Bronze Age and the “Andronovo question” in Margiana. – Oxford: Archaeopress, 2008. – P. 119-132; Kaniuth K. Long distance imports in the Bronze Age Southern Central Asia: Recent finds and their implications for chronology and trade // Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan. – Berlin, 2010. – P. 3-22; Danielisova A., Stančo L., Shaydullaev A. Preliminary report of archaeological survey in Sherabad District, South Uzbekistan in 2009 // Studia Hercynia. Vol. XIV. Pl. 28. – P. 67-90; Dupuy P.D. Bronze Age Central Asia. – Oxford University Press, 2018. – P. 1-25.

жараёнини акс эттирувчи янги маълумотлар қўлга киритилган (Оксфорд ва Шеффилд университетлари); Жарқўтонда илк давлатчилик босқичларига оид бронза даври ибодатхонаси, мудофаа тизими ва тураржойларнинг меъморчилик соҳаларидаги таркибий ўзгаришлари аниқланган (Германия археология институти); Кўктепада илк темир даврига оид моддий маданият ва меъморчилик ўрганилган (Франция Илмий тадқиқотлар Миллий Маркази); Жанубий Қирғизистонда (Неаполь университети) ва Жанубий Тожикистонда (Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти) бронза даври ёдгорликларида қадимги чорвадорлар ва деҳқонлар ўртасидаги маданий-иқтисодий алоқаларга оид янги маълумотлар аниқланган; Кўҳитанг ёнбағирларидаги Пашхурд ва Қорабоғ воҳаларида бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг илк давлатчилик тарихида аҳамиятли ўрин тутганлиги аниқланган (Давлат Шарқ музейи, Россия; Классик археология институти, Чехия).

Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи масалаларини ўрганишга доир қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ибтидоий жамиятда вужудга келган хўжалик-маданий типларнинг шаклланишида, яъни турли табиий-географик шароитда қадимги қабилалар маданиятидаги ўзига хосликни қиёсий таҳлил қилиш; бронза давридаги миграцияларнинг этномаданий жараёнларга, илк давлатчиликнинг шаклланишига, шаҳарсозлик, меъморчилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига таъсирини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи манбалари, уруғ жамоаси тузуми тарихининг ўрганилиши натижалари ва илк давлатчилик тарихшунослиги масалалари алоҳида даврларга ажратилган ҳолда (XIX аср иккинчи ярми-XXI аср бошлари) очиб берилган³.

Мавзуни ўрганилганлик даражасининг ўзига хос хусусияти шундаки, Ўрта Осиё ибтидоий жамоа тузуми тарихига доир дастлабки илмий маълумотлар XX асрнинг 30-йиллари охирида археологик экспедициялар ташкил этилиши натижасида қўлга киритилган. Археология материалларининг доираси доимий равишда кенгайиб борган ва уларнинг ибтидоий жамият тарихини ўрганишдаги ўрни ва аҳамияти турли тадқиқотларда уқтириб ўтилган.

Минтақанинг илк давлатчилик тарихига оид ишлар, нисбатан эрта, XIX асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб чоп этилган. Улар қадимги ёзма манбалар маълумотларига асосланган. Бироқ бу борада ҳам археология маълумотлари бирламчи манба ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ, ОТ-Ф1-91 “Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси

³Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари диссертациянинг I бобида батафсил ёритилган.

муаммолари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузумининг ривожланиш босқичлари ва илк давлатчилик тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавзуга оид манбашунослик ва тарихшунослик муаммоларини кўриб чиқиш, бу борада асосий ёндашувлар ва илмий қарашларнинг мазмун-моҳиятини баҳолаш;

тош даврида ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган уруғ жамоалари томонидан ҳудудларни ўзлаштириш жараёнларини ва хўжалик-маданий типларни аниқлаш;

илк зироатчи-чорвадорларнинг ҳудудий жойлашуви хусусиятлари ва маданий-иқтисодий тараққиёти даражасини очиб бериш;

уруғ-қабилла уюшмасининг тизими ва ибтидоий жамиятдаги ижтимоий бошқарув масалаларини таърифлаб бериш;

энеолит ва бронза даври миграцияларини турли босқичларга ажратиш, уларнинг Ўрта Осиё қадимги тарихидаги аҳамияти ва этномаданий жараёнларига таъсири даражасини очиб бериш;

турли табиий-географик шароитда қадимги қабилалар маданиятидаги ўзига хос хусусиятларни қиёсий таҳлил қилиш ва маданий жиҳатдан нотекис ривожланиш сабабларини аниқлаш;

бронза даврида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳолати, давлатчилик тизимига ўтиш ва цивилизация шаклланишининг омилларини кўрсатиб бериш;

янги ёндашувлар ва илмий қарашлар асосида илк темир даври давлатчилик ва бошқарув тизими тарихини очиб бериш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг объектини Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузumi ва илк давлатчилик тарихига оид археологик маълумотлар, ёзма манбалар, илмий-тарихий адабиётлар ва тарихшунослик маълумотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети қилиб, Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузumi ва илк давлатчилик тарихи белгиланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, тарихий маълумотларни умумлаштириш, холислик тамойили каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

уруғ жамоа тузumi даврида Ўрта Осиёда аҳолининг турли табиий-географик шароитда ҳудудий жойлашиш хусусиятлари хўжалик-маданий типларнинг шаклланишига олиб келиб, мазкур жараён пировардида уруғ-қабилла жамоасининг ҳудудий тизими ва ибтидоий жамиятда ижтимоий бошқарувнинг амалий функциялари ривожланишига имкон яратганлиги аниқланган;

Ўрта Осиёда ташқи миграциялар (бронза даврида Ҳинд водийсидан ва Месопотамиядан Бактрия - Марғиёнага, илк темир даврида Бактрия ва

Марғиёнадан Суғд ва Хоразм худудларига аҳолининг кўчиши) турли худудлардаги ижтимоий муносабатлар ҳамда иқтисодий алоқалар ривожидида муҳим ўрин тутиб, илк давлатчилик ва цивилизациянинг шаклланишига, шаҳарсозлик ва меъморчилик, ихтисослашган хунармандчилик ва савдосотик, маданият ҳамда тасвирий санъатнинг тараққиётига олиб келганлиги очиб берилган;

Марғиёна-Бақтрия зироатчилик воҳаларидан топилган археологик далилларнинг умумлашма таҳлили асосида Ўрта Осиё жанубида илк давлатчилик тараққиёти тарихини қадимийлаштириш ва мил. авв. III минг йилликнинг охиридан бошлаб уч даврга (бронза, бронзадан илк темир асрига ўтиш ва илк темир даврларига) ажратиш зарурияти исботланган;

ижтимоий, иқтисодий, диний, ҳарбий соҳалардаги ташкилий ва амалий вазибаларни амалга оширувчи бошқарувнинг ажралиб чиқиши ҳамда худудий-маъмурий бошқарувнинг пайдо бўлиши, ҳокимиятнинг қарор топиши омилларининг Ўрта Осиёда давлатчилик тизимига ўтиш жараёнларига асос бўлиб хизмат қилганлиги аниқланган;

мил. авв. VII асрда маъмурий-худудий жиҳатдан алоҳида вилоятларда умумий маданият, тил ва диний қарашларга эга бўлган аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида (кўчманчилар билан кураш, ташқи босқинлардан ҳимояланиш зарурати) Бақтрия сиёсий бирлашмаси – конфедерацияси шаклланганлиги ҳамда Хоразм воҳаси ва Фарғона водийсида илк давлатчилик тизими ҳарбий демократия (ташқи босқинлар ва ўзаро урушларнинг олдини олишга қаратилган ҳарбийлар ва оқсоқоллар иштирокидаги кенгаш) тамойилига асосланганлиги исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиёда ибтидоий уруғ жамоаси тузуми ва илк давлатчилик тарихшунослигига доир бугунга қадар тўпланган илмий маълумотлар илк бор умумлаштирилган;

тадқиқотнинг фанлараро (археология, манбашунослик, тарихий география) хусусияти ишнинг амалий аҳамиятини белгилаб берган;

мазкур тадқиқот орқали тарихий-қийосий таҳлил тамойиллари асосида янги илмий қарашлар ва ёндашувлар илгари сурилган;

тадқиқотнинг илмий натижалари асосида монографиялар ва мақолалар нашр этилган, тарихчи мутахассислар тайёрлаш, инновацион ғояларни ўқув жараёнига татбиқ этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги энг қадимги ва қадимги тарихни ўрганишда асл манбалар, илмий адабиётлар ҳамда замонавий ёндашувлардан фойдаланилганлиги, холислик тамойилларининг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўрта Осиёнинг энг қадимги ва қадимги давр тарихининг атрофлича, яхлит ўрганилганлиги билан белгиланиб, диссертациянинг назарий ва умумлашма хулосалари минтақа тарихининг

долзарб йўналишларини бойитиш, гуманитар фанлараро соҳаларга доир янгича ёндашувларни яратиш, тарихий тадқиқот усулларини такомиллаштириш ҳамда тарих фанини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация маълумотлари ибтидоий жамият ва давлатчилик тарихи, манбашунослик, тарихий ва этник география тадқиқотлари учун амалий тажриба вазифасини ўтайди. Улардан олий таълим тизимини янада ривожлантириш, илмий-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир махсус курсларни ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларини яратиш ҳамда уларни янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

минтақадаги ибтидоий уруғ жамоаси тузуми ва илк давлатчилик тарихининг муҳим масалалари, жумладан, мил. авв. III минг йилликнинг охирларидан бошлаб Ўрта Осиёнинг жанубида илк давлатчилик тарихини уч даврга ажратиш зарурати, касбий бошқарув, давлат ва ҳокимият келиб чиқишининг асослари, зироатчи аҳоли ва чорвадор қабилалар жамоаларида давлатчилик тизимига ўтишни белгилаб берувчи омиллар аниқланганлиги ҳақида олинган илмий натижалардан олий ўқув юртларининг тарих факультети талабалари учун “Ўзбекистон тарихи” дарслиги биринчи китоби (Тошкент: Фан, 2018), (2-мавзу: Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври; 3-мавзу: Бронза даври тарихи; 4-мавзу: Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш асослари) мазмунида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 89-03-3141-сон маълумотномаси). Мазкур маълумотлар талабаларда тарихий тафаккурни шакллантиришга, мамлакатимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга қаратилган илмий кўникма ва ёндашувлар бўйича малакага эга бўлишга, тарих соҳасидаги билимларини оширишга имкон яратган.

Уруғ жамоаси тузуми даврида ҳудудларни ўзлаштириш жараёни ва хўжалик-маданий типлар, уруғ-қabila уюшмаси ва ижтимоий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ёритишда; бронза даврида миграциялар ва этномаданий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари, Ўрта Осиёда ибтидоий жамиятдан давлатчилик тизимига ўтиш ва цивилизация шаклланишининг омилларини аниқлашда; Хоразм воҳасида илк давлатчилик тизимининг ҳарбий демократия тамойилларига асосланганлиги ҳақида олинган илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими – Хоразм Маълумот академиясида (2012-2016 йй.) бажарилган Ф1-ФА-0-16549 “Хоразм тарихи. (I жилд. Энг қадимги даврлардан V асргача. II жилд. V асрдан XVI асргача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 9 сентябрдаги №3/1255-2404

маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий натижа ва хулосаларидан фойдаланиш фундаментал лойиҳанинг илмий аҳамиятини ошириб, айрим назарий муаммоларнинг ечими сифатида хизмат қилган.

Ўлкамиз худудида давлатчилик ва бошқарув тизими тарихи, қадимги давр маданияти, ибтидоий уруғ жамоаси тузуми даврида Ўрта Осиё худудларини ўзлаштириш жараёнлари (инсон ва атроф-муҳит алоқалари, худудий жойлашиш чегаралари) ва хўжалик-маданий типлар, уруғ-қабила уюшмасининг тизими ва ибтидоий жамиятда ижтимоий бошқарувнинг асосий (ташкилий ва амалий) вазифалари каби масалаларга оид бўлиб, унда илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг 2019 йилга мўлжалланган тарих йўналишидаги ўқув ишлар режасида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 27 сентябрдаги №01-12-14-4872 маълумотномаси). Ушбу маълумотлар минтақада илк давлатчиликнинг шаклланиши хусусида янгича тарихий тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

Ўрта Осиёда қадимги миграциялар ва этномаданий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари, ибтидоий жамиятдан давлатчилик тизимига ўтиш ва цивилизация шаклланишининг омиллари масаласига оид Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририятининг “Бедорлик”, “Миллат ва маънавият” (2019 йил март-июнь ойларида) дастурларида тадқиқотга тортилган мавзу юзасидан суҳбат бўлиб ўтди ва мазкур материаллардан радиоэшиттиришлар сценарийларида фойдаланилди (“O‘zbekiston” телерадиоканалининг 2019 йил 1 июлдаги O‘z/R-1-131-сон маълумотномаси). Кўрсатувда Ўрта Осиё минтақаси илк цивилизация ўчоқларидан бири эканлиги моддий манбалар асосида телетомошабинларга етказилиб, ёшлар тафаккурида тарихий онгнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий анжуманларда, шу жумладан 4 та халқаро конференция: “Жанубий Оролбўйи археологияси ва тарихи масалалари” (“Нукус”, 2011); “XVII. Türk Tarih Kongresi” (Анкара, 2014); “Диалог двух культур Востока и Запада через призму единства и многообразия: древний мир, средневековье, новое и новейшее время” (Алматы, Екатеринбург, 2016); “Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари” (Тошкент, 2018) ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 16 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва шартли қисқартмалар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, ишнинг тадқиқот қисми 228 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Манбашунослик ва тарихшунослик муаммолари”** деб номланган. Унинг 4 та параграфида Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи манбалари, ибтидоий уруғ жамоаси тарихининг ўрганилиш натижалари, XX асрнинг 90-йилларига қадар илк давлатчилик тарихшунослиги, XX аср 90-йиллари ва XXI аср бошларида илк давлатчилик тарихига оид илмий қарашлар ва ёндашувлар таҳлил қилинган.

Ибтидоий жамиятнинг моддий маданияти, ижтимоий-иқтисодий тизими ва эътиқодларини ўрганиш жараёнида археология материаллари ва этнография маълумотлари бирламчи манба ҳисобланади⁴. Этнография ва археологиянинг ривожланиши ибтидоий жамият тарихи фанининг вужудга келишини белгилаб берган⁵.

Ибтидоий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг излари, урф-одатлар ва турмуш тарзи анъаналарини ўрганишда “Авесто”да ўз аксини топган мифологик қатлам ва ибтидоий эътиқодларга оид маълумотлар⁶, қадимги юнон тарихчилари асарларидаги этнографик мазмунга доир хабарлар долзарб аҳамиятга эга⁷.

Ўрта Осиё тарихида ибтидоий уруғ жамоаси тахминан 35-30 минг йил аввал, сўнги палеолитда вужудга келиб, мезолит, неолит ва энеолит даврлари мобайнида кенг ривожланган.

Археологик жиҳатдан 1904 йилда америкалик геолог Р.Пампелли ва немис археологи Р.Шмидт томонидан Туркменистондаги Ановтепада олиб

⁴ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976. – С. 5.

⁵ Першиц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. – М.: Высшая школа, 1968. – С. 10-18.

⁶ Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М. Стеблин-Каменского. – М.: Наука, 1987. – С. 6-60; Авеста. Избранные гимны / Пер. с авестийского И.М. Стеблин-Каменского. – Душанбе: Адиб, 1990. – 176 с.; Авесто. Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 128 б.

⁷ Геродот. История. В девяти книгах / Пер. и примеч. Г.А.Стратановского. – Л.: Наука, 1972. Кн. I. 201-203; Страбон. География. В 17 книгах / Пер. Г.А.Стратановского. – М. – Л., 1964. Кн. VIII. 6,7.

борилган қазिशма ишлари натижасида илк бор энеолит даврига оид ашёлар топилди⁸. Бироқ XX асрнинг 30-йиллари охирларига қадар Ўрта Осиё миқёсида ибтидоий жамият тарихи деярли ёритилмаган эди⁹.

Диссертацияда Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тарихига оид археология материалларининг атрофлича ўрганила бошланиши, ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ёритилиши¹⁰, антропология ва палеогеография соҳаларига бағишланган тадқиқотларнинг вужудга келиши очиб берилган¹¹.

Ибтидоий жамият тарихига мансуб нашрларда уруғчилик тузумининг вужудга келиши ва ривожланиши, унинг она уруғи (матриархат) ва ота уруғи (патриархат) деган алоҳида даврлари, оила, уруғ, жамоа муносабатлари каби мавзулар муҳокама қилинган. Бу борада турли даврлар (сўнгги палеолит, мезолит, неолит) бўйича А.П.Окладников, Д.Н.Лев, С.П.Толстов, Г.Ф.Коробкова, В.А.Ранов, В.М.Массон, О.К.Бердиев, Я.Ғ.Ғуломов, Ў.И.Исломов, А.А.Асқаров, М.Д.Жўрақулов, А.В.Виноградов, Е.Б.Бижанов, Н.У.Холматов ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари қатта аҳамиятга эга¹².

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёнинг турли вилоятлардаги сўнгги палеолит, мезолит, неолит ва энеолит даврлари моддий маданиятининг ривожланиш шарт-шароитлари ва омиллари аниқланган. Шу қаторда маънавий маданият тарихи, инсонни ўраб олган табиий муҳит ҳақидаги тасаввурлар, ибтидоий эътиқодларнинг вужудга келиши ва уларнинг археология материалларида намоён бўлиши ҳам таҳлил қилинди.

⁸ Pampelly R. Explorations in Turkestan. – Washington, 1908. Vol. I. – 234 p.; Shmidt H. Archaeological Excavations in Anau and Old Merv // Pampelly R. Explorations in Turkestan. – Washington, 1908. Vol. I.

⁹ Толстов С.П. Древнехорезмийские памятники в Кара-Калпакии (Предварительные итоги археологических работ ИИМК в 1938 г.) // ВДИ. – М., 1939. – № 3. – С. 172-199; ўша муаллиф. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. – С. 59-66.

¹⁰ Воронец М.Е., Гулямов Я.Г. Первобытнообщинный строй // История Узбекской ССР. Т. I. Кн. I. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1955. – С. 16-25; Массон В.М. Первобытнообщинный строй на территории Туркмении // Тр. ЮТАКЭ. – Ашхабад, 1956. Т. 7. – С. 233-259; Окладников А.П. Пещера Джебел – памятник древней культуры прикаспийских племен Туркмении // Тр. ЮТАКЭ. – Ашхабад, 1956. Т. VII. – С. 11-219; Грязнов М.П., Окладников А.П. Первобытнообщинный строй // История Киргизии. Т. I. – Фрунзе, 1963. – 190 с.

¹¹ Ошанин Л.В., Зезенкова В.Я. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1953. – 196 с.; Трофимова Т.А. Палеоантропологические материалы с территории древнего Хорезма // СЭ. – М., 1957. – № 3. – С. 14-20; Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой // МХЭ. – М., 1960. Вып. 3. – 348 с.

¹² Средняя Азия в эпоху камня и бронзы / Отв. ред. В.М.Массон. – М. – Л.: 1966. – С. 50-92; Джуракулов М.Д. История изучения каменного века Средней Азии: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук – Самарканд, 1966. – 27 с.; Ранов В.А. Изучение каменного века Средней Азии за двадцать лет (1945-1965) // Материальная культура Таджикистана. – Душанбе, 1968. Вып. 1. – С. 5-45; Гулямов Я.Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966. – 266 с.; Бердыев О.К. Изучение памятников эпохи неолита // Каракумские древности. – Ашхабад, 1968. Вып. 1. – С. 9-17; Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА. – Л., 1971. – №180. – 208 с.; Ранов В.А., Коробкова Г.Ф. Туткаул – многослойное поселение Гиссарской культуры в Южном Таджикистане // СА. – М., 1971. – № 2. – С. 133-147; Исламов У. Мезолитические памятники Ферганской долины // ИМКУ. – Ташкент, 1972. Вып. 9. – С. 21-28; Бижанов Е.Б. Неолитические памятники юго – восточного Устюрта // Древняя и средневековая культура юго – восточного Устюрта. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 18-79; Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья // Тр. ХАЭ. – М., 1981. Т. XIII. – 172 с.; Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта. – Нукус, 1996. – 47 с.; Холматов Н.У. Мезолит и неолит нижнего Зарафшана. – Ташкент: Фан, 2007. – 203 с. ва бошқ.

XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошларида Марказий Осиё мамлакатларида хорижий археолог олимлар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилди (неолит даври Жойтун манзилгоҳи ва Қизилқум ёдгорликлари). Европа археологиясида топилмалар таърифи, меҳнат қуроллари ва уларни туркумларга ажратиш, яъни қуролларнинг классификацияси масалаларига катта эътибор берилди. Шу сабабли ибтидоий жамоа даври тарихи кўпроқ археология йўналишида моддий маданият тарихи сифатида ёритилди¹³.

Диссертацияда XX асрнинг 90-йилларига қадар илк давлатчилик тарихшунослиги масалалари алоҳида очиқ берилган. Ўрта Осиё илк давлатчилик тарихининг ёритилиши XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа шарқшунослари (М.Дункер, В.Томашек, В.Гейгер, Е.Райш, И.Маркварт, Ж.Д.Прашек, А.Херман) томонидан бошланган¹⁴. Улар “Авесто” ва қадимги юнон муаллифлари маълумотларига таянган ҳолда, Ўрта Осиёда дастлабки давлатлар Бактрия, Хоразм ва Суғд ҳудудларида ташкил топган, деб ёзганлар.

XX асрнинг 30-йилларида немис олими И.Маркварт Аҳамонийлар даврига қадар Ўрта Осиёнинг катта қисмини бирлаштирган Хоразм подшолиги тўғрисидаги қарашни илгари сурган, шунингдек, қадимги Бактрия подшолигининг мавжудлиги тан олинган¹⁵.

С.П.Толстов ва М.М.Дьяконовлар Ўрта Осиёда давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва унинг ўрганилиши муаммосини Хоразм ва Бактрия мисолида илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилдилар¹⁶.

XX асрнинг 50-йилларида илк давлатчилик тарихи ўрганилишининг айрим масалалари умумлашма монографияларнинг бобларида қисқача ўз аксини топди¹⁷. В.М.Массоннинг тадқиқотида шу давргача мазкур мавзуга оид тарих фанидаги мавжуд ёндашувлар ва назарияларнинг моҳияти таҳлил қилинган¹⁸.

Ўтган асрнинг 30-50-йилларида Ўрта Осиё ибтидоий жамияти ва илк давлатчилиги тарихини ўрганиш жараёнида марксча формацияли ёндашув ва “синфий” назария орқали ижтимоий-иқтисодий муносабатларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш услуби қарор топди. Давлатнинг пайдо бўлишида

¹³ Gosden C., Charles M.P., Harris D.P. Djeitun: Resent Excavation at an Early Neolithic Site in Southern Turkmenistan // Proceedings of Prehistoric Society, 1996. Vol. 62. – P. 423-442; Brunet F. Pour une nouvelle étude de la Kel'teminar. Uzbekistan // Paleorient. CNRS edition. Vol 37/2. 2005. – P. 87-106.

¹⁴ Dunker M. Geschichte des Altertums. – Leipzig, 1867. Bd. IV. – S. 15; Tomasek W. Central asiatische Studien. Sogdiana. – Wien, 1877. – 187 s.; ўша муаллиф. Baktra, Baktriane, Baktriano / Paulys Real – Encyclopädie. – Stuttgart, 1896. Bd. II. – S. 2804-2813; Geiger W. Ostiranische Kultur in Altertum. – Erlangen, 1882. – 520 s.; Reisch E. Bactrianoi / Paulys Real – Encyclopädie. – Stuttgart, 1896. Bd. II. – S. 2806-2807; Marquart I. Untersuchungen zur Geschichte von Eran. – Göttingen, 1896. – 258 s.; Prašek J.D. Geschichte der Meder und Perser bis sur makedonische Eroberung. – Gotha, 1906. Bd. I. – 282 s.; Hermann A. Alte Geographie des unteren Okusgebiets. – Berlin, 1914. – S. 31-38.

¹⁵ Markvart I. Wehrot und Arang. – Leiden, 1938. – S. 9-10.

¹⁶ Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М. – Л.: АН СССР, 1948. – 328 с.; Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. – М., 1954. Т. XIX. – С. 121-140.

¹⁷ История народов Узбекистана. С древнейших времен до начала XVI века. – Ташкент: АН УзССР, 1950. Т.1. – 474 с.; Гафуров Б.Г. История таджикского народа. – М.: Госполитиздат, 1955. – 596 с.; История Туркменской ССР. – Ашхабад: АН ТуркмССР, 1957. Т. 1. Кн. 1. – 495 с.

¹⁸ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. – №73. – М. – Л., 1959. – С. 123-135.

жамоадаги ички эксплуатация, иқтисодий қарамлик, қулчилик ва ижтимоий синфларнинг келиб чиқиши масалаларига катта аҳамият берилган. В.М.Массон ва И.М.Дьяконовлар томонидан ибтидоий жамоа тузумининг яқунланиши ва давлат вужудга келиши жараёнида мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш бирламчи омил сифатида ёритилган¹⁹.

Ғарб олимлари В.Б.Хеннинг ва И.Гершевичлар, И.Марквартнинг назариясини янги асосларда ривожлантириб, қадимги Хоразм подшолигининг маркази Ҳерируд-Тажан дарёси ҳавзасидаги Ҳирот воҳасида ҳамда қуйи Мурғоб воҳасида Марв атрофларидаги ҳудудларда жойлашган деб ёзганлар²⁰. Мазкур мавзу “Катта Хоразм” масаласи сифатида В.А.Лившиц, И.М.Дьяконов, Р.Фрай, И.В.Пьянков ва М.Г.Воробьева тадқиқотларида таҳлил қилинган²¹.

XX асрда дашт чорвадор қабилаларнинг тарихини ўрганишга ҳам катта эътибор қаратилди. Бронза давридан бошлаб чорвадор қабилалар минтақанинг тоғолди ҳудудларида ва даштларида кенг тарқалган. Уларда ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий тузум ривожланган²².

Ёзма манбалардан маълум қадимги кўчманчилар тарихи С.П.Толстов, А.Н.Бернштам, М.П.Грязнов, А.М.Мандельштам, М.А.Итина Б.А.Литвинский, И.В.Пьянков ва бошқаларнинг нашрларида кенг ёритилган²³.

Ўрта Осиё илк давлатчилик тарихини ўрганилиши жараёнида Хоразм подшолиги ёки “Катта Хоразм” сиёсий бирлашмасининг тарихий географияси ва ҳудудий жойлашишини, “Авесто”да тилга олинган бошқа бирлашма Арёшайёнанинг (Арёнам Вайчах, Арёнам Вайжо) ҳудудлари чегараларини аниқлаш ва қадимги Бақтрия подшолиги мавжудлигини исботлаб бериш муҳим аҳамият касб этди.

¹⁹ Дьяконов И.М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // ВДИ. – М., 1963. – №1. – С. 28; Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // Вопросы истории, 1967. – № 5. – С. 85.

²⁰ Henning W.B. Zoroaster: Politician or Witch doctor. – Oxford, 1951. – P. 43; Gershevitch I. The Avestan hymn to Mithra. – Cambridge, 1959. – P.14.

²¹ Лившиц В.А. Древнейшие государственные объединения // История таджикского народа. – М., 1963. Т. 1. – С. 150-151; Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (к возможной новой постановке вопроса) // История иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971. – С. 122-154; Фрай Р. Наследие Ирана / Пер. с англ. В.А.Лившица и Е.В.Зеймаля. – М.: Наука, 1972. – С. 63-66; Пьянков И.В. Хорасмий Гекатея Милетского // ВДИ. – М., 1972. – № 2. – С. 3-21; Воробьева М.Г. Проблема “Большого Хорезма” и археология // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 38-42.

²² Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. – М., 1952. – № 26. – 342 с.; Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане // МИА. – М., 1968. – №145. – 184 с.; Аскарлов А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зеравшана // ИМКУ. – Тошкент: Фан, 1962. Вып. 3. – С. 28-41.

²³ Бернштам А.Н. Саки Памира // ВДИ. – М., 1956. – № 1. – С. 121-134; Грязнов М.П. Восточное Приаралье // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л.: Наука, 1966. – С. 233-239; Мандельштам А.М. Кочевники на пути в Индию // МИА. – М., 1966. – № 136. – 250 с.; Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // СА. – М., 1966. – № 2. – С. 151-175; Литвинский Б.А. Оружие населения Памира и Ферганы в сакское время // Материальная культура Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1968. Вып.1. – С. 69-115; Пьянков И.В. Массажеты Геродота // ВДИ. – М., 1975. №2. – С. 46-70.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида минтақанинг турли вилоятларидаги кенг археологик тадқиқотлар натижасида қадимги давлатчилик тарихига оид янги илмий маълумотлар қўлга киритилди.

Бу борада Афғонистоннинг шимоли-шарқида Шўртўқай ва шимолида Даштли, Жанубий Ўзбекистонда Сополли ва Жарқўтон, Қуйи Мурғоб воҳасида Гонур, Тўғалок ва бошқа бронза даври ёдгорликларининг кашф этилиши, уларнинг мудофаа тизими, саройлар, ибодатхоналар ва уй-жойлари, хунармандчилик буюмлари ва тасвирий санъат намуналарининг ўрганилиши катта аҳамиятга эга бўлди²⁴.

Шу даврда М.А.Дандамаев, И.Н.Хлопин ва Е.В.Зеймаль Ўрта Осиё жанубида Бактрия каби йирик давлат уюшмасининг вужудга келиши эҳтимолини инкор этганлар²⁵. В.И.Сарианиди ва Г.А.Кошеленко Аҳамонийларга қадар Ўрта Осиёда майда давлатчилик уюшмалари таркиб топган, деб хулоса чиқаришган²⁶. Шунингдек, қадимги Хоразм давлатининг вужудга келиши жараёнига доир “ирригация назарияси” ва қулдорлик ишлаб чиқариш ғояси ўз аҳамиятини сақлаб келди²⁷. Мавжуд илмий маълумотлар асосида Ўрта Осиё бронза ва илк темир даври давлатчилик тарихини уч даврга ажратиш зарурати илгари сурилди²⁸.

XX асрнинг 90-йилларига қадар асосий мунозаралар Ўрта Осиёдаги дастлабки сиёсий уюшмалар ва давлатларнинг пайдо бўлиши тарихий санасини аниқлаш, уларнинг худудий чегараларини белгилаб бериш каби муаммолар билан боғланган. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тизим, этномаданий жараёнлар ва ташқи алоқалар кенг ўрганилган. Бироқ ибтидоий ижтимоий бошқарувдан сиёсий ҳокимиятга ўтиш босқичлари, омиллари ва хусусиятларининг Ўрта Осиё мисолида ўрганилиши натижалари илмий адабиётларда етарли даражада таҳлил қилинмаган ва махсус умумлашма мавзуга айланмаган.

Диссертацияда XX аср 90-йиллари ва XXI аср бошларида Ўрта Осиё илк давлатчилик тарихининг ёритилиши хусусиятлари очиқ берилган. Бу даврда А.А.Асқаров, Т.Ш.Ширинов, С.С.Қудратов, В.И.Сарианиди ва Ш.Б.Шайдуллаевларнинг тадқиқотларида муҳим янги фикр-хулосалар қатори “ном”, “бошланғич давлат” ёки “шаҳар-давлат”, “қадимий шарқ подшолиги”

²⁴ Francfort H.-P., Pottier M.-H. Sondage préliminaire sur l'établissement protohistorique harapéen de Shortughai // Arts Asiatiques. 1978. Vol. XXXIV. – P. 29-86; Сарианиди В.И. Исследования памятников Дашлынского оазиса // Древняя Бактрия. – М.: Наука, 1977. – С. 21-86; Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – 231 с.; Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы в низовьях Мургаба // СА. – М., 1979. №1. – С. 111-131; Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад: Ылым, 1990. – 316 с.

²⁵ Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985. – С. 28-31; Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии (античность и раннее средневековье). – Ашхабад: Ылым, 1982. – 212 с.; Зеймаль Е.В. К периодизации древней истории Средней Азии // Новые памятники письменности и искусства. – М., 1986. – С. 154-156.

²⁶ Сарианиди В.И., Кошеленко Г.А. Средняя Азия в раннежелезном веке. Заключение // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. – М.: Наука, 1985. – С. 203.

²⁷ Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств (на примере Средней Азии) // От доклассовых обществ к раннеклассовым. – М.: Наука, 1987. – С. 75-78.

²⁸ Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика: Автореф. дисс... докт. ист. наук. – М.: МГУ, 1989. – 45 с.

ва “воҳа-давлатлар” каби тушунчаларнинг қўлланилишига²⁹ И.М.Дьяконов ва В.А.Якобсоннинг ғоялари маълум даражада таъсир қилган³⁰. Шунингдек, И.В.Пьянков томонидан мил. авв. I минг йилликнинг бошларида “кавийлар” (каёнийлар) подшоликларидан иборат Арёшайёна – “Авесто”да вилоятларнинг сиёсий уюшмаси (“дахияосасти”) ҳақидаги масала илгари сурилди³¹.

Диссертацияда Суғд давлатчилиги тарихи босқичларига доир Р.Ҳ.Сулаймонов, М.Х.Исомиддинов, О.Н.Лушпенко, Б.Эшов ҳамда Франция олимлари П.Бернар, Ф.Грене, К.Рапен тадқиқотлари³², қадимги Хоразм воҳасида кечган давлатчилик жараёнлари юзасидан О.А.Вишневская, Ю.А.Рапопорт, Л.Т.Яблонский, Б.И.Вайнберг ва В.Н.Ягодинлар маълумотлари³³, қадимги Фарғона бўйича Ю.А.Заднепровский, Б.Матбобоев ва А.Анорбоевнинг ишлари³⁴ ҳамда В.И.Сарианиди, Э.В.Ртвеладзе, М.М.Мамбетуллаев, А.С.Сағдуллаев ва Ҳ.Матякубовлар томонидан давлатчилик тарихига оид билдирилган фикр-мулоҳазалар кўриб чиқилган³⁵.

²⁹ Асқаров А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1994. – № 6. – Б. 35; Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С. 98-113; Сарианиди В.И. Маргуш Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 272 с.; Қудратов С.С. Марказий Осиё худудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон: Нашриётсиз, 1998. – Б. 5-8; Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари // O‘zbekiston tarixi, 2002. – № 3. – Б. 5; ўша муаллиф. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида): Тарих фан. доктор. дисс. ... автореф. – Самарканд: ЎзФА Археология институти, 2009. – Б. 15, 20.

³⁰ Дьяконов И.М., Якобсон В.А. “Номовые государства”, “территориальные царства”, “полисы” и “империи”. Проблемы типологии // ВДИ. – М., 1982. – № 2. – С. 3-16.

³¹ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. Древнейшая и древняя история. – Душанбе, 1998. Т. 1. – С. 334-347.

³² Бернар П., Грене Ф., Исамиддинов М. Основные результаты раскопок узбекско-французской экспедиции на Афрасиабе в 1990–92 гг. // ОНУ. 1994. – № 3-4. – С. 34-42; Исамиддинов М., Рапен К. Стратиграфия Коктепа // ИМКУ. – Самарканд, 1999. Вып. 30. – С. 68-79; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – 342 с.; Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Ташкент: Изд. им. А.Кадыри, 2002. – 255 с.; Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1998. – 25 с.; Эшов Б. Сўғдиёна тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Университет, 2012. – 114 б.

³³ Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гър. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. – М., 1997. – № 2. – С. 150-173; Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: ИВЛ, 1998. – С. 28-41; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996. – 185 с.; Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. – М.: ИВЛ, 1999. – 287 с.; Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (1-2 цикл) // Вестник ККО АН РУз. 2007. – № 1. – С. 75-79; – № 2. – С. 70-78.

³⁴ Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития городских поселений древней Ферганы // Древний город Средней Азии. – Л., 1973. – С. 17-20; Матбобоев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // O‘zbekiston tarixi, 2002. – № 1. – Б. 3-11; Анарбаев А. О раннем городе Ферганы // Ош и Фергана в исторической перспективе. – Бишкек, 2000. Вып. 3. – С. 70-71; Сағдуллаев А.С., Йулдашев И. О некоторых вопросах истории ранних городов и государств долины Ферганы // Қадимги давлатчилик ва урбанизация. – Ташкент, 2010. – С. 68-75.

³⁵ Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат: Ыльм, 2002. – 272 с.; Сағдуллаев А.С. Становление раннебактрийской и раннесогдийской государственности // История государственности Узбекистана. – Ташкент: “Узбекистан”, 2009. Т. 1. – С. 61-88; Ртвеладзе Э.В. Государственное объединение “Большой Хорезм” – миф, созданный учеными или историческая реальность? Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент, 2013. – С. 30-35; Кдырнязов М.-Ш., Ягодин В.Н., Мамбетуллаев М.М., Сағдуллаев А.С., Кдырнязов О.-Ш. История цивилизации Хорезма. – Нукус: Qaraqalpaqstan, 2017. – С. 16-24; Матякубов Ҳ. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент, 2017. – Б. 155-166, 200-201.

Ўрта Осиёда илк давлатчилик, цивилизация тарихи мавзусини ўрганишда янги кашфиётлар ва эришилган ютуқлар хорижий мамлакатлар олимлари томонидан тан олинди. Бу борада К.К.Ламберг-Карловски, Г.П.Франкфор, Н.Бороффка, Д.Хуфф, Ф.Т.Хиеберт, С.Салватори, К.Каниют ва бошқа олимларнинг Ўрта Осиё бронза даври моддий маданияти, меъморчилиги, хунармандчилиги, тасвирий санъати ва иқтисодий-маданий алоқалари масалаларига доир илмий қарашлар ва фикр-хулосалари таҳлил қилинган³⁶.

Қиёсий таҳлил натижасида тадқиқотда Ўрта Осиё илк давлатчилиги тарихига оид билимлар динамикаси, асосий илмий қарашлар ва ёндашувлар очиб берилган.

XX асрнинг 90-йилларида илк давлатчилик мавзусини ўрганишда давлатнинг пайдо бўлиши масаласига оид собиқ даврдан мерос қолган синфий назария турли нашрларда ўз аҳамиятини сақлаб қолди. XXI аср бошларида тадқиқотчилар давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўпхиллигига ўз эътиборларини қаратиб, бу масалани ўрганиш ва ечиш фақат синфий назария билан чекланмайди, деб таъкидладилар. Янгича ёндашувлар, давлатнинг вужудга келиши жараёнининг, аҳоли, жамиятнинг умумий манфаатлари билан боғланиши, бошқарувнинг турли мақсад ва вазифалари билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши тарих фанида муҳим ўрин тутди, шунингдек, “Катта Хоразм” сиёсий бирлашуви ҳақидаги қарашлар қайта кўриб чиқилиши натижасида улар ўз исботини топмади, мазкур мавзуга оид турли тахминлар ва ғоялардан воз кечиш таклиф этилди (О.А.Вишневская, Ю.А.Рапопорт, В.Н.Ягодин, Э.В.Ртвеладзе).

Биринчи боб хулосасида Ўрта Осиёда ибтидоий уруғ жамоаси ва илк давлатчилик тарихининг ўрганилиши жараёнида ибтидоий жамиятдаги ижтимоий бошқарувдан сиёсий ҳокимиятга ўтиш асослари, хусусиятлари ва унинг ривожланиш қонуниятлари алоҳида илмий масала сифатида етарли даражада ёритилмаганлиги уқтириб ўтилган. Шу боис совет даври тарих фанида устунлик қилган ёндашувлар ичида Ўрта Осиёдаги дастлабки сиёсий ташкилотларнинг “қулдорлик формация”, “синфий жамият” мазмунида, қулдорлик давлатлари сифатида тарихий сахнада пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларнинг кўп жиҳатлари баҳсли бўлган. Тадқиқотда мазкур ҳолатнинг сабаблари очиб берилган, шунингдек, мустақиллик йиллари

³⁶ Lamberg – Karlovsky C.C. The Oxus Civilization: the Bronze Age of Central Asia // *Antiquity*, 1994. Vol. 68. – P. 353-354; ўша муаллиф. Civilization, state or tribes? Bactria and Margiana Bronze Age // *The Review of Archaeology*, 2003. Vol. 24. – P. 11-19; Francfort H. – P. The Central Asian dimension of the symbolic system in Bactria and Margiana // *Antiquity*, 1994. Vol. 68. – P. 406-427; Boroffka N., Cierry J., Lutz J. Bronze Age tin from Central Asia // *Late Prehistoric Exploitation of the Eurasian Steppe*. – Cambridge, 1999. – P. 14-29; Huff D. Tempel oder Palast? Dscharkutan – Monumental bauten und Siedlung in bronze zeitlichen Baktrien // *Archaeologische Entdeckungen*. – Mainz, 2000. – S. 115-118; Hiebert F.T. Bronze Age interaction between the Eurasian steppe and Central Asia // *Ancient interactions: East and west in Eurasia*. – Cambridge, 2002. – P. 237-248; Salvatory S. Bactria and Margiana Seals. A new Assessment of their Chronological Position a Typological Survey // *East and West*, 2000. Vol. 50. – P. 97-145; Kaniuth K. The metallurgy of the late Bronze Age Sapalli culture (Southern Uzbekistan) and its implications for the “tin vestion” // *Iranica Antiqua*, 2007. Vol. XLII. – P. 23-39.

тарихшунослигида асосий ёндашувлар ва илмий қарашларнинг мазмун-моҳияти баҳоланган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Уруғ жамоаси тузуми ва хўжалик – маданий типлар”** деб номланган. У учта параграфга ажратилиб, тош даврида ҳудудларни ўзлаштириш жараёни ва хўжалик-маданий типлар, илк зироатчи-чорвадорларнинг ҳудудий жойлашуви ва маданий-иқтисодий тараққиёти, уруғ-қабила уюшмаси ва ижтимоий бошқарув масалалари кўриб чиқилган.

Диссертацияда Ўрта Осиё тарихида сўнгги палеолит давридан бошлаб, табиий озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув манбалари, овчилик ва термачилик хўжалигига қулай ҳайвонот ва ўсимлик оламига бой ҳудудларни эгаллаш жараёни, уруғчилик жамоаларининг жойлашувидаги қон-қариндошлик алоқалари, маълум ҳудудда қариндош-уруғ аъзоларининг жойлашиши тамойилларининг устунлик қилиши хусусиятлари очиқ берилган.

Мезолит даврида (мил. авв. XII-VII минг йилликлар) Ўрта Осиёда ҳудудий жиҳатдан ва табиий географик шароитга мос хўжалик-маданий типлар – текисликлар ва дарё воҳаларида овчилик, балиқчилик ва термачилик асосида ривож топган, шунингдек, тоғли ўлкаларда овчилик ва термачилик хўжалик шаклларига асосланган³⁷.

Неолит даври, мил. авв. VI минг йилликнинг бошларида, Ўрта Осиёнинг жанубида, Копетдоғ шимолий ёнбағирларидаги аҳоли гуруҳлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар – деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлаганлар³⁸. Минтақанинг кенг ҳудудларида – Шарқий Каспийбўйи, Амударёнинг Ўзбой ўзани ва Оқчадарё дельтасида (Жанубий Оролбўйи), Устюрт ва Қизилқум, Зарафшон воҳаси, Кофирниҳон ва Вахш дарёлари тоғолди ерлари ҳамда Фарғона водийсида анъанавий балиқчилик, овчилик ва термачилик, яъни ўзлаштирувчи хўжаликлар устунлик қилган³⁹. Шунингдек, Қизилқум, Ўрта Зарафшон, Фарғона ҳудудларида неолит даврида чорвачилик ва эҳтимол, лалмикор зироатчилик вужудга келганлиги ҳақида фикрлар мавжуд⁴⁰.

Диссертацияда ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган уруғ жамоаларининг ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий белгилари

³⁷ Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л.: Наука, 1966. – С. 59-68; Исламов У. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита Узбекистана // ИМКУ. – Ташкент, 1974. Вып.11. – С. 29-31; Бижанов Е.Б. Мезолитические и неолитические памятники Северо-Западного Устюрта // Археология Приаралья. – Ташкент, 1982. Вып.1. – С. 14-37; Холматов Н.У. Мезолит низовьев Зарафшана // ИМКУ. – Самарканд, 2000. Вып. 31. – С. 25-34.

³⁸ Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА. – Л.: Наука, 1971. – №180. – 208 с. ил.

³⁹ Исламов У.И. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита в Узбекистане // ИМКУ. – Ташкент, 1974. Вып. 11. – С. 31; Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья // Тр. ХАЭ. 1981. Т. XIII. – 172 с.; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зеравшана. – Ташкент: Фан, 1991. – 124 с.; Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта. – Нукус, 1996. – 47 с.; Виноградова Н.М., Ранов В.А., Филимонова Т.Г. Памятники Кангуртута в Юго-Западном Таджикистане (эпоха неолита и бронзового века). – М.: Наука, 2008. – 472 с.

⁴⁰ Хужаназаров М., Хошимов Х., Брунет Ф. К изучению неолита в Кызылкумах // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. – Самарканд, 2016; Максудов Ф.А. К проблеме сложения производящего хозяйства в Ферганской долине // История и археология Турана. – Самарканд, 2017. – №3. – С. 45-58.

очиб берилган ҳамда неолит даврида вужудга келган қабилалар орасидаги иқтисодий ва моддий маданият жиҳатидан нотекис ривожланишининг сабаблари таърифланиб, турли маданий-хўжалик типларнинг мавжуд бўлганлиги қайд этилган.

Мезолит даврига келиб, ёши катта она томонидан яқин қариндошларни бирлаштирган уруғ жамоалари ажралиб чиққан. Улар ўз яшаш ҳудудига, ўз номига ва маданий-маиший хусусиятларига эга бўлганлар. Уруғ даврида жамоанинг катта ёшдаги аъзолари йиғинида барча хўжалик, жамоатчилик ва эътиқод маросимларига оид масалалар ҳал қилинган.

Дехқончилик ва чорвачилик хўжаликларига ўтиш, ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида ортиқча маҳсулот пайдо бўлган. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар анча мураккаблашиб, ибтидоий-ижтимоий бошқарув шакллари фаол таъсир этган. Диссертацияда илк зироатчи-чорвадорларнинг ҳудудий жойлашуви ва маданий-иқтисодий тараққиёти очиб берилган. Ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг ривожланиши ва сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг вужудга келиши ҳамда ўтроқ жойлашуви ва ижтимоий-иқтисодий белгилари жиҳатидан ҳудудий кўшничилик жамоаларнинг пайдо бўлиши сабабли энеолитнинг сўнгги босқичи ва илк бронза даврида ўзини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаган, хусусий мулкка эга бўлган катта патриархал оилаларнинг ажралиб чиқишига замин яратилган.

Бундай оилалар мустақил равишда хўжалик ишларини юритган, ўз хусусий мулки, уй-жойи, ишлаб чиқариш воситалари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захираларига эга бўлган. Аммо уларнинг жамиятдаги ўрни, умумий ҳудудий жойлашуви, ер, сув ва яйловларга жамоатчилик асосида эгаллик қилиши, жамоа ичида ижтимоий бошқарув тизимининг мавжудлиги, ўзаро ёрдамнинг турли шакллари ва мафкуравий (диний) умумийлиги билан белгиланган⁴¹. Хусусий мулкчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши тарих саҳнасида уруғчилик тизими анъаналари ва жамоатчилик одатлари билан қарама-қаршиликда вужудга келган.

Мил. авв. IV минг йилликда Ўрта Осиёда энеолит-мистош даврида аҳолининг ҳудудий жойлашуви чегараларининг кенгайиб бориши кузатилади. Туркменистоннинг жануби-ғарбида, Копетдоғ шимолий ёнбағирлари бўйлаб, кўпсонли манзилгоҳлар пайдо бўлган. Ўтроқ аҳоли сойлардан илк ирригация иншоотлари – кичик каналлар чиқариб, атрофдаги ерларни сунъий суғоришган ва ўз даври учун нисбатан юқори ҳосил етиштиришга эришганлар⁴².

⁴¹ Перциц А.И. Развитие форм собственности в первобытном обществе как периодизация его истории // Тр. Института этнографии. – М. – Л., 1960. Т. LIV. – С. 160-161; Семёнов Ю.И. О некоторых теоретических проблемах истории первобытности // СЭ. – М., 1968. – №5. – С. 80-82; Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // Вопросы истории. – М., 1967. – №5. – С. 85.

⁴² Лисицына Г.Н., Массон В.М., Сарияниди В.И., Хлопин И.Н. Итоги археологического и палеографического изучения Геоксюрского оазиса // СА. – М., 1965. – №1. – С. 9-24; Хлопин И.Н. Энеолит юго-запада Средней Азии // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л.: Наука, 1966. – С. 93; Лисицына Г.Н. Становление и развитие орошаемого земледелия в Южной Туркмении. – М.: Наука, 1978. – С. 9.

Энеолит даврида Афғонистоннинг шимоли-шарқидаги Кўкча – Панж дарёлари ҳавзалари ва Юқори Зарафшондаги ерлар (Саразм) деҳқончиликни билган ўтроқ аҳоли томонидан ўзлаштирилади⁴³. Шу қатори Устюрт, Жанубий Оролбўйи, Қуйи Зарафшон, Фарғона водийси ва Ўрта Осиёнинг тоғли ўлкаларида ўзлаштирувчи хўжаликлар ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Ибтидоий жамиятда, ҳуқуқий муносабатлар шаклланмаган шароитда, урф-одатлар ва уруғчилик ижтимоий тизими анъаналари, жамоадаги обрў-эътибор, ахлоқий хислатлар ва ибтидоий жамоа талабларига таянган ижтимоий бошқарув катта аҳамиятга эга бўлган. Ўзлаштирувчи хўжаликларни ташкиллаштириш ва урф-одатларни адо этиш, жамоадаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш, жамоанинг ички муносабатларини назорат қилиш каби муҳим масалалари, тажриба ва амалий билимлари билан бошқалардан ажралиб турган уруғ вакилларининг вазифасига айланган. Жамоаларни қон-қариндошлик тамойили, умумий мулк ва меҳнат бирлаштирган. Деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши натижасида жамиятдаги ташкилий функцияларнинг мураккаблашиши турлича бошқарув вазифаларини амалга оширишни талаб этган. Шу сабабли йўлбошчи-раҳбарнинг жамоадаги ижтимоий мавқеи ва аҳамияти ўсиб борди.

Ўрта Осиёда ижтимоий бошқарувнинг вужудга келиши ва ривожланиши мавзусини ёритиш жараёнида умумлаштирилган илмий маълумотларнинг нисбийлиги аниқланган. Бу ҳолатнинг сабаблари, ибтидоий уруғ жамоаси тарихига оид тадқиқотларнинг кўп жиҳатдан археология масалалари, хўжалик шакллари ва моддий маданият хусусиятларини очиб бериш билан белгиланганлиги ишнинг иккинчи боби хулосасида қайд этилган.

Учта банддан иборат тадқиқотнинг учинчи боби **“Бронза даври этномаданий жараёнлари ва ижтимоий-иқтисодий тизими”** деб номланган. Мазкур бобда миграциялар ва этномаданий жараёнлари, турли географик шароитда тарихий-маданий ривожланишининг хусусиятлари, бронза даврида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ибтидоий жамиятдан давлатчилик тизимига ўтиш омиллари таҳлил қилинган.

Диссертацияда қадимги миграцияларнинг инсоният тарихидаги ўрни, шакллари ва оқибатларининг аҳамияти уқтириб ўтилган. Энеолит ва бронза даврларида Ўрта Осиёга амалга оширилган миграциялар алоҳида босқичларга ажратилган ҳолда кўриб чиқилган.

Тадқиқотда мазкур миграцияларнинг бошланғич ҳудудлари ва сабаблари аниқланган. Панж ҳавзаси ва юқори Зарафшон воҳасининг энеолит даврида ўзлаштирилиши, узок масофада амалга оширилган миграциялар

⁴³ Gardin J. – С., Lyonnet B. La prospection archéologique de la Bactriane orientale (1974-1978): premiers résultats // Mesopotamiya. 1978-1979. Vol. XIII – XIV. – P. 99-154; Исаков А.И. Саразм: новый земледельческий памятник Средней Азии // СА. – М., 1986. – №1. – С. 152-167.

иктисодий омиллар билан белгиланган эди⁴⁴. Улар Ҳиндикуш, Помир ва Зарафшон тоғларида фойдали қазилмалар, мис ва қалай, олтин ва кумуш ҳамда феруза ва ложувард нодир тошлар конларидан фойдаланиш заруратидан келиб чиққан. Шу тариқа мил. авв. III минг йилликнинг ўрталарида Панж ҳавзасида Хараппа – Моҳенждаро цивилизацияси вакиллари Шўртўқай каби йирик савдо маскани – фабрикаси вужудга келган⁴⁵. Ҳиндикуш тоғларидан қазиб чиқарилган олтин, кумуш ва қимматбаҳо тош-ложувард нафақат Ҳинд водийсига, балки Эрон ва Элам орқали Миср ва Олд Осиё мамлакатларига ҳам етказиб берилган⁴⁶.

Миграцияларнинг кейинги босқичида, мил. авв. III минг йиллик охирида – II минг йиллик бошларида Марғиёна – Бактрияга аҳоли кўчиб келишининг оммавий хусусияти Қадимги Шарқда иқлимнинг исиб кетиши, қурғоқчилик ва демографик омиллари (аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши), табиий ресурслар ва ҳосилдор ерлардан фойдаланиш имкониятларининг чекланиши билан боғланган⁴⁷.

Бронза даврида (мил. авв. II минг йиллик ўрталари) Андроново маданияти дашт-чорвадор қабилаларнинг Ўрта Осиёда кенг ёйилиши, шимолдаги дашт ва ўрмон – дашт ҳудудларда чорвачиликнинг жадал ривожланиши, чорва подаларнинг кўпайиб бориши натижасида янги яйловлар ва сув манбаига бой жойларни ўзлаштириш заруратидан келиб чиққан⁴⁸.

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг деярли барча вилоятларида чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий усулига айланди. Бир-бирига яқин табиий-географик шароитда яшаган қабилаларда ўзаро боғлиқ хўжалик ва маданият хусусиятлари шаклланган⁴⁹. Тадқиқотда Ўрта Осиёнинг жанубий ва шимолий-шарқий ҳудудларининг тарихий-маданий ривожланишида тафовутлар очиб берилган

⁴⁴ Gardin J. – C. Pour une géographie archéologique de la Bactriane // L'archeology de la Bactriane ancienne. – Paris, 1985. – P. 39-45; Исаков А.И. Саразм. Горизонты древней цивилизации // Наука и жизнь. – М., 1986. – С. 78-81.

⁴⁵ Frankfort H. – P., Pottier M. – H. Sondage préliminaire sur L'établissement protohistorique harappéen de Shortughai // Arts Asiatiques. 1978. Vol. XXXIV. – P. 29-86; Сағдуллаев А.С. Средняя Азия и Индия: формирование и развитие ранних путей историко-культурных связей // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент, 2000. – С. 119-120.

⁴⁶ Herrman G. Lapis lazuli: the early phases of its trade // Iraq. 1968. Vol. 30. – P. 21-57; Сарияниди В.И. О великом лазуриновом пути на древнем Востоке // КСИА. – М., 1968. Вып. 114. – С. 3-9.

⁴⁷ Сарияниди В.И. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010. – С. 16.

⁴⁸ Литвинский Б.А., Соловьев В.С. Стоянка степной бронзы в Южном Таджикистане // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1972. Вып. 1. – С. 41-47; Сарияниди В.И. Степные племена эпохи бронзы в Маргиане // СА. – М., 1975. – № 2. – С. 20-28; Рахманов У.В., Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры // ОНУ. – Ташкент, 1985. – № 11. – С. 58-63; Аванесова Н.А. Зарафшанский вариант Андроновской историко-культурной общности // Археология Узбекистана в годы независимости: достижения и перспективы. – Самарканд, 2016. – С. 34-37.

⁴⁹ Виноградова Н.М., Кузьмина Е.Е. Контакты земледельческих и степных племен в эпоху бронзы // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и средневекового Востока. – М.: Наука, 1986. – С. 128, рис. 1. Карта; Аванесова Н.А. Степи Севера и оазисы Юга: проблема культурных взаимодействий в эпоху бронзы // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-Ата, 1987. – С. 53-55.

ҳамда бронза даври хўжалик-маданий типларнинг асосий жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Мил. авв. III минг йилликнинг охирлари – II минг йиллик бошларида Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти даражасидаги жамият вужудга келган. Мазкур жараён, биринчидан, жанубда жуда эрта ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг пайдо бўлиши ва иккинчидан, ташқи миграциялар оқибатида илғор маданий, ижтимоий-иқтисодий ва давлатчилик анъаналари ёйилиши билан изоҳланади.

Бронза даврида дашт ҳудудларида истиқомат қилган аҳоли орасида уруғ-қабилла жамоаларига оид ижтимоий-иқтисодий тузум сақланиб, чорвадор қабилалари ибтидоий жамоа муносабатларининг емирилиши босқичида бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиё ҳудудларида ўзига хос хусусиятлардан иборат тарихий-маданий вилоятлар ва этник ҳудудларнинг ажралиб чиқиши жараёни бошланган⁵⁰.

Диссертацияда Ўрта Осиёда ибтидоий жамиятдан давлатчилик тизимига ўтишнинг муҳим жиҳатлари аниқланган ва асосий омиллари очиқ берилган. Бунда ижтимоий-иқтисодий белгилар инobatга олинган ҳолда, этнография ва археология маълумотлари, илмий адабиётларда мавжуд илмий қарашлар ва ёндашувлар таҳлил қилинган⁵¹.

Бу борада ибтидоий уруғ жамоаси тузумига хос ижтимоий бошқарувнинг касбий бошқарувга айланиши, яъни иқтисодий, ижтимоий, диний ва ҳарбий омилларга асосланган бошқарувнинг ажралиб чиқиши масаласининг муҳим жиҳатлари аниқланган.

Ўрта Осиё зироатчилари жамиятида давлатчилик тузумининг асослари ўтроқ аҳолининг муҳим иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳудудий манфаатларини амалга ошириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш талабларидан келиб чиққан. Деҳқончилик воҳа-туманлардаги ҳудудий қўшничилик жамоалари алоҳида қишлоқ хўжалик жамоаларидан иборат бўлиб, яйловлар, ҳосилдор ерлар, сув манбалари ва сунъий суғориш тармоқларидан фойдаланиш, ирригация ва мудофаа тизимида жамоатчилик меҳнатини ташкил этиш талаблари аҳолини бирлаштириш заруратини вужудга келтирган. Бунда ибтидоий уруғчилик жамоаси тузуми даврида ўз вазифалари доирасидан чекланган ижтимоий бошқарувга нисбатан кенг миқёсдаги янги ташкилий ва амалий бошқарув фаолияти юзага келган. Унинг ривожланиши оқибатида ҳокимият ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашган.

⁵⁰ Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Тр. ХАЭЭ. – М.: Наука, 1977. Т. X. – С. 140; Матякубов Х. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2017. – Б. 171-172.

⁵¹ Хазанов А.М. Разложение первобытнообщинного строя и возникновение классового общества // Первобытное общество. Основные проблемы развития. – М. – Л., 1960. – М.: Наука, 1974. – С. 88-89; Першиц А.И. Развитие форм собственности в первобытном обществе как основа периодизации его истории // Тр. Института этнографии. – М. – Л., 1960. Т. LIV. – С. 160-161; Массон В.М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 93-101.

Мавзуга тегишли И.М.Дьяконов, В.М.Массон, В.И.Сарианиди, Э.В.Сайко, А.А.Асқаров, Э.В.Ртвеладзе ва А.С.Сагдуллаевнинг фикр-мулоҳазалари қиёсий таҳлил қилинган⁵² ва мазкур масалага доир хулосалар чиқарилган. Ўтроқ деҳқончилик маданиятлари ривож топган ҳудудларда (Марғиёна – Бактрия) илк давлатлар ишлаб чиқариш кучларининг юқори даражада тараққий этиши, шаҳарлар, сарой ва ибодатхоналар ҳўжалиги ҳамда ихтисослашган ҳунармандчиликнинг вужудга келиши асосида, зироаткор воҳа-туманларда яшовчи аҳолининг ижтимоий алоқаларини назорат қилиш ва жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини мувофиқлаштириш заруриятидан келиб чиққан.

Тадқиқотда бу борада хавфсизликни таъминлаш ва жамоаларни бирлаштирган диний омилларни ҳам ҳисобга олиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Бронза даврида Марғиёна ва Бактриядаги катта ибодатхоналарнинг бунёд этилиши, уларнинг йирик ҳўжалик мажмуаларига айланиши⁵³, коҳинларнинг нафақат ибодат маросимларида, шунингдек, бошқарув тизимида ҳам намоён бўлган баланд мавқеидан дарак беради. Улар қадимий Шарқ шаҳарларидаги коҳинлар сингари ташкилий ва маъмурий бошқарув вазибаларни амалга оширган.

Минтақанинг жанубида цивилизациянинг илк белгилари маҳаллий анъаналар асосида ривож топиб, уларнинг айрим муҳим жиҳатлари – ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари, сифатли кулолчилик маҳсулотлари ва бронза буюмлар ишлаб чиқариш, ривожланган меъморчилик анъаналари дастлаб Намозгоҳ-Олтинтепа бронза даври маданиятида намоён бўлган⁵⁴. Марғиёна-Бактрия мисолида, ташқи миграциялар, Қадимги Шарқ уюшган жамият вакилларининг ёйилиши натижасида Окс-Амударё цивилизацияси шаклланиб, илғор маданий анъаналар, меъморчилик ва тасвирий санъат намуналари, ҳунармандчилик соҳаларида технологик ютуқлар кенг ҳудудий доирада ёйилган⁵⁵.

Тадқиқотнинг учинчи боби хулосасида илк давлатчилик тизимидаги муҳим омиллар сифатида ижтимоий меҳнат тақсимооти, хусусий мулкчилик, ҳўжалик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, айирбошлаш ва ташқи маданий-иқтисодий алоқалар доирасининг кенгайиб бориши, ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик, бинокорлик ва меъморчилик соҳаларидаги

⁵² Дьяконов И.М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // ВДИ. – М., 1963. – №1. – С. 16-34; Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 16-27; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – С. 132-139; Сайко Э.В. Предпосылки и условия формирования древнего города // Древние города. – Л., 1977. – С. 15; Сагдуллаев А. Менежментнинг шаклланиши тарихи // Инновацион менежмент (дарслик). – Тошкент: Академия, 2005. – Б. 4-9; Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005. – С. 58-61.

⁵³ Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – С. 35, рис. 11; ўша муаллиф. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010. – С. 70-71.

⁵⁴ Массон В.М. Алтын – Депе // Тр. ЮТАКЭ. – Л.: Наука, 1981. Т. XVIII. – С. 98-100; Кирчо Л.Б. Культурная эволюция в эпоху формирования раннегородской цивилизации (по материалам раскопок Алтын-депе) // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 137-146.

⁵⁵ Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство... ; Lamberg – Karlovsky C.C. The Oxus Civilization: the Bronze Age of Central Asia // Antiquity, 1994. Vol. 68. – P. 353-354; Боқиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Окс цивилизацияси. – Ташкент: Yangi nashr, 2015. – 176 б.

кашфиётлар, технологик ихтиролар ва маданий ютуқларнинг катта аҳамияти уқтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Илк темир даври давлатчилик тарихи”** деб номланган тўртинчи бобининг учта бандида қуйидаги масалалар: илк темир асрига ўтиш даврида этномаданий ва сиёсий жараёнлар, ижтимоий алоқалар, оила ва уй жамоаси, қадимги давлатчилик ва бошқарув тизими очиб берилган.

Мил. авв. X-VIII асрларда аввалдан амалга оширилган ташқи миграциялар ва айниқса, бу жараёнларнинг сўнгги бронза даври босқичларида Ўрта Осиё зироаткор воҳаларига кўчиб келган чорвадор-дашт қабилаларнинг маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетиши натижасида, тил, маданият қиёфаси ва эътиқодлар ўзгариб, минтақанинг жанубида шарқий эроний тилларда сўзлашувчи қабилалар пайдо бўлади ҳамда этник бирликлар шаклланади. “Авесто”нинг “Яшт” китобида (Михр-Яшт) арийлар (орийлар) қабилалари ва уларнинг “сайхон ерлари” – Арёнам Вайчах, Арёшайёна (Видевдат китобида-Арёнам Вайжо) ҳақида маълумотлар мавжуд⁵⁶.

Арийларнинг сардорлари (подшолари) “кави” деб аталган. Тадқиқотчилар “Авесто”нинг бу хабарларини ҳақиқий тарих сифатида тан оладилар, шу боис “Қадимий кавийлар подшоликлари” мавзуси махсус кўриб чиқилган⁵⁷.

Диссертацияда мил. авв. X-VIII асрлар Ўрта Осиё жамияти кўп жиҳатдан ҳарбий демократия тузумига яқин бўлганлиги уқтириб ўтилган. Бироқ унинг тизимида (қабила-уруғ оқсоқолларининг таъсири ва жангчилар обрўси, ҳарбий сардорлар бошчилик қилган қабилалар иттифоқлари) уруғчилик жамоа тартибига хос ижтимоий алоқаларига нисбатан худудий-ижтимоий тузилиши устунлик қила бошлади. Бронза давридан темир асрига ўтиш даври майда давлат ташкилотларининг ривожланиши ва ҳарбий-сиёсий уюшмаларнинг вужудга келиши билан изоҳланиб, бу давр Ўрта Осиё илк давлатчилиги тарихида иккинчи босқич сифатида ёритилади⁵⁸.

Тадқиқотда мил. авв. VII-VI асрларда, Аҳамонийлар сулоласидан қадимги форс подшоларининг Ўрта Осиёга юришларига қадар (мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярми), минтақа миқёсида ўтроқ ва кўчманчи турмуш тарзига асосланган этник худудлар ва илк ёзма манбалардан маълум элатлар – парфияликлар, марғиёналиклар, бактрияликлар, суғдийлар, хорасмийлар ва сак-массагет қабилаларининг ажралиб чиқиши қайд этилган ҳамда бу давр

⁵⁶ Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира... С. 143-144; Массон В.М. Афганистан в древности // История Афганистана. – М.: Мысль, 1982. – С. 24-25; Ходжаева Н. Авестийская география в контексте этнических процессов на территории Центральной Азии // Вестник Таджикского Национального университета. – Душанбе, 2015. – №3/7 (179). – С. 3-16.

⁵⁷ Фрай Р. Наследие Ирана / Пер. с англ. В.А.Лившица и Е.В. Зеймалю. – М.: Наука, 1972. – С. 62-63; Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. Древнейшая и древняя история. – Душанбе, 1998. Т. 1. – С. 242; Ходжаева Н. Авестийские географические названия об авестийских царях // Вестник Таджикского Национального университета. – Душанбе, 2010. – №4 (60). – С. 6-9.

⁵⁸ Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 31.

ижтимоий алоқалари, оила ва уй жамоаси тизими масалалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар натижасида “Авесто”да ёритилган жамият тузумига нисбатан мил. авв. VII-VI асрларда ўтроқ деҳқончилик воҳаларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг анча юқори ривож топганлиги аниқланган. Бу даврда катта патриархал оилалар ўз уй-жойлари, алоҳида деҳқончилик уй-қўрғонларига, ишлаб чиқариш воситаларига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захираларига, чорва туёғига эга бўлиб, хусусий мулкчилик, яъни иқтисодий жиҳатдан мустақил жамоани ташкил этган⁵⁹.

Деҳқончилик воҳа-туманларида яшаган ўтроқ аҳолининг таркиби турли ижтимоий гуруҳлар – деҳқонлар, чорвадор-чўпонлар, хунармандлар, бинокорлар ҳамда бошқарув вазифаларни ва диний маросимларни амалга оширган шахсларнинг мавжудлиги билан белгиланган эди.

Мил. авв. VII-VI асрларда Ўрта Осиёнинг дашт ва тоғли ҳудудларида ёйилган қабилаларнинг жамиятида ярим кўчманчи ва кўчманчи чорвачилик хўжалиги устунлик қилган. Чорвадорлар ҳаётида уруғ-қабилла одатларига хос ижтимоий анъаналар намоён бўлиб, уларнинг тузумида уруғ-қабилла йўлбошчилари, ҳарбий сардорлар ва жангчи суворийлар, қоҳинлар, уруғ жамоаларининг ўртаҳол ва оддий аъзолари ажралиб чиққан⁶⁰.

Илмий адабиётларда ёзма ва археология манбаларига асосланган ҳолда қадимги Бактрия подшолиги тараққий топганлиги тан олинади. Бу давлатнинг хронологияси турлича – мил. авв. 650-540 йиллар⁶¹, мил. авв. 700-540⁶² ёки мил. авв. 660-540 йиллар билан белгиланган⁶³.

Ахамонийларга қадар Марғиёна, Арейя, Суғд, Хоразм, Тошкент воҳаси (Чоч) ва Фарғона водийсида ривож топган қандайдир давлатлар, подшоликлар тўғрисида илк ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд эмас. “Авесто”нинг Арёнам Вайжо мамлакатини Хоразм билан қиёслаш (И.Маркварт, В.Тарн, С.П.Толстов), Хоразм подшолиги – “Катта Хоразм” тўғрисидаги қарашлар (И.Маркварт, В.Б.Хеннинг, И.Гершевич) олимларнинг тахминларига асосланиб, ўз исботини топмади⁶⁴.

Археология маълумотларига кўра, мил. авв. VII-VI асрларда Бактрия тарихий-маданий бирлиги пайдо бўлиб, у ўтроқ деҳқончилик аҳолининг юқори ижтимоий-иқтисодий даражаси, маданияти, дини ва эътиқодларининг умумийлиги билан белгиланган. Мазкур бирликнинг ҳудудий доирасини

⁵⁹ Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 56-58.

⁶⁰ Мандельштам А.М. О некоторых проблемах изучения истории ранних кочевников Средней Азии и Казахстана // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1975. Вып. 3. – С. 3-9; Вишневская О.А. Культура сакских племен в низовьях Сырдарьи // Тр. ХАЭЭ. – М., 1973. Т. VIII. – С. 100, 129; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996. – С. 66.

⁶¹ Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (к возможной новой постановке вопроса) // История иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971. – С. 135, примеч. 52.

⁶² Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально – экономическая динамика): Автореф. дисс... доктор. ист. наук. – М.: МГУ, 1989. – С. 38.

⁶³ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования... – С. 246.

⁶⁴ Ртвеладзе Э.В. Государственное объединение “Большой Хорезм” – миф, созданный учеными или историческая реальность // Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент, 2013. – С. 36-40.

Марғиёна, Бактрия, Суғд ташкил этган. Унинг маданий таъсирида Шимолий Парфия ва Хоразм бўлган. Архаик Доҳистон, Чоч, Фарғона водийсининг аҳолиси ва дашт кўчманчи қабилалари бошқа маданий анъаналар асосида ривожланган⁶⁵.

Ўз пайтида мил. авв. VII-VI асрларда йирик қадимги Бактрия давлатининг (хусусан, Бактрия, Суғд, Марғиёна ва эҳтимол, Аррейя) вужудга келиши тўғрисидаги фикр илгари сурилган эди⁶⁶. Диссертацияда таҳлил қилинган маълумотлар, мил. авв. VII асрда Бактрия, Марғиёна, Суғд ва Харайва – Аррейдан иборат сиёсий бирлашувининг пайдо бўлиши масаласини янги илмий асосларда илгари суриш ва очиб беришга хизмат қилган. Географик жиҳатдан Бактрия “Авесто”да тилга олинган “арийлар мамлакатлари”нинг марказида жойлашган. Бактрия сиёсий бирлашувининг вужудга келишида турли қўшни элатларнинг этник қариндошлиги, умумий маданияти, тили ва дини (зардуштийлик) катта аҳамиятга эга бўлиб, ташқи сабаблар – кўчманчи қабилалар билан кураш ва ўтроқ аҳолининг ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурати ҳам кўмаклашган.

Бактрия сиёсий бирлашуви конфедератив подшоликка ўхшаш давлат шакли бўлиши мумкин эди. Ўрта Осиё тарихининг кейинги даврларида (антик даври ва илк ўрта асрлар) бундай подшоликлар Қанғ ва Юечжи давлатлари⁶⁷ ҳамда Суғд конфедерацияси мисолида намоён бўлган⁶⁸. Маркази Бақтра шахрида жойлашган Бактрия бирлашуви ёки конфедерацияси алоҳида ҳукмдорлар томонидан бошқариладиган бир нечта вилоятларни, мулкларни, жумладан, Херируд (Ҳирот) воҳаси, Қуйи Мурғоб ерлари, Балхоб воҳаси, Панж-Кўкча ва Кофирниҳон, Вахш ҳавзалари, Сурхон-Шеробод воҳаси, Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларини бирлаштирган.

Шу қаторда сўнги бронза ва илк темир даврида Фарғона водийсида деҳқончилик воҳа-туманларини бирлаштирган сиёсий уюшманинг пайдо бўлиши ҳақидаги хулосаларни инобатга олиш лозим⁶⁹. Илк темир даврида Хоразм воҳасида давлатчилик тизимининг вужудга келиши ижтимоий-иқтисодий омиллар ва ҳарбий-сиёсий сабаблар билан белгиланган. Маълум жиҳатлардан бу жараён ўзга даштларда (Каспий ва Орол денгизи оралиғи, Узбой ўзани бўйлаб, Қуйи Сирдарё) яшовчи сак-массагетлар жамиятидаги сингари ҳарбий демократия тамойилларига асосланган. Бироқ воҳада илк давлат – “подшолик” ҳудудий жиҳатдан йирик давлат сифатида вужудга

⁶⁵ Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 88-99.

⁶⁶ Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии ... С. 41.

⁶⁷ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 57.

⁶⁸ Ғойибов Б.С. Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таназули: Тарих фан. доктор. дис. ... автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2017. – Б. 31.

⁶⁹ Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // *О‘zbekiston tarixi*, 2002. – №1. – Б. 3-11; Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // *О‘zbekiston tarixi*, 2004. – №4. – Б. 3-14; Йўлдошев И.Т. Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи: Тарих фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2011. – Б. 18-19.

келмаган. Мазкур ҳолат янги археологик маълумотларнинг ўрганилиши натижасида аниқланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби хулосасида бронза даври “воҳа-давлатлари” тизимига нисбатан илк темир даврида Ўрта Осиё жанубида турли вилоятлар – мулкларни бирлаштирган сиёсий уюшма – қадимги Бактрия конфедерациясининг вужудга келиши, унинг таркибида зироатчилар уй-қўрғонлари, ҳарбий истехкомлар ва Олтиндилёр, Қизилтепа, Ерқўрғон, Узунқир, Афросиёб, Кўктепа каби воҳа марказлари-йирик қалъаларнинг пайдо бўлиши янги тарихий ҳодиса сифатида уқтириб ўтилган. Шунингдек, минтақанинг шимоли-шарқий ўлкаларида илк темир даври маданият қиёфаси ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгариб, янгича тараққий топишининг аҳамияти қайд этилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги асосий хулосаларга келинди:

1. Сўнгги палеолит даврида Ўрта Осиёда вужудга келган уруғ жамоаси тузуми босқичма-босқич тадрижий ривожланиб борган. Бу даврда ов қуролларини яшаш техникаси анча такомиллашиб, илгари анъанавий фойдаланилган табиий бошпана – ғор-маконлардан ташқари сунъий тураржойлар – кулбаларнинг пайдо бўлиши, сўнгги палеолит даври одамининг энг катта ютуқларидан бири бўлди.

Маданий-хўжалик белгиларига кўра минтақанинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари ҳамда воҳаларида яшовчи алоҳида овчилар гуруҳлари ажралиб чиққан. Уларнинг хўжалик фаолияти жамоа аъзоларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва табиий ресурсларни имкон қадар кенгрок ўзлаштиришга қаратилган. Бу даврда Ўрта Осиёда қон-қариндошлик тамойилларига асосланган, умумий меҳнат қуроллари ва тураржойларига эга бўлган илк уруғ жамоалари шаклланган.

2. Мезолит даврида аҳоли гуруҳларининг тоғ даралари, пасттекисликлар, даштлар ва дарё воҳалари бўйлаб кенг ҳудудий жойлашуви кузатилади. Мазкур даврда ўқ-ёйнинг ихтиро қилиниши овчиликнинг аҳамияти ва имкониятларини оширишга хизмат қилди. Ўзлаштирувчи хўжалик комплекс тарзда тараққий этиб, текисликлар ва дарё воҳаларида – овчилик, балиқчилик ва термачилик, тоғли ўлкаларда – овчилик ва термачилик хўжалик-маданий шакллари ривожланган. Моддий маданиятдаги янгиликлар қаторида маънавий маданиятда ўзгаришлар рўй берган, тасвирий санъат такомиллашиб, ибтидоий эътиқодлар ривожланган.

3. Тарих фанида она уруғи – матриархат деб аталган босқичда (тош даври) ўзлаштирувчи хўжаликка асосланган уруғчилик жамоаларини қон-қариндошлик алоқалари, ҳудудий бирлик туйғуси (аҳолининг уруғчилик тамойилларига кўра тақсимланиши), умумий тураржойлар, жамоа мулки ва меҳнат қуроллари, биргаликдаги меҳнат, турмуш тарзи ва эътиқодлар бирлаштирган. Одамлар ўзларининг хўжалик эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда

хайвонот ва ўсимликлар олами, сув манбаларига сероб ерларни ва меҳнат қуроллари яшаш учун фойдаланиладиган тош конлари мавжуд ҳудудларни тобора кенгроқ қамраб олишга ҳаракат қилганлар. Уруғ вакиллари жамоа фаровонлиги учун зарур ҳаётий вазифаларни бажариб, бу муҳим кундалик фаолиятга айланган.

4. Неолит даврида Ўрта Осиё жанубида озиқ-овқат маҳсулотлари манбаларини қўлга киритишнинг янги шаклига – ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш бошланган. Зироатчилик ва чорвачилик инсоннинг турмуш тарзи, ижтимоий алоқалари, урф-одатлари, моддий ва маънавий маданиятини тубдан ўзгартирган. “Неолит инқилоби” деб аталган бу воқеа минг йиллар мобайнида ўзлаштирувчи хўжаликка асосланган ибтидоий жамоа тузуми тарихининг сўнгги босқичларида содир бўлган.

Тарих фанида, Ўрта Осиёнинг жанубида ишлаб чиқарувчи хўжаликка асосланган Жойтун маданияти қаторида, минтақанинг турли ҳудудлари – Шарқий Каспийбўйи, Қизилқум, Қуйи ва ўрта Зарафшон, Фарғона водийси, Помир-Ҳисор тоғли ўлкаларида неолит даврида чорвачилик ва эҳтимол, зироатчиликнинг илк шакллари вужудга келганлигига доир фикрлар мавжуд.

5. Мазкур масалани илмий фараз сифатида илгари суриш мумкин, бироқ бундай ёндашув “Неолит инқилоби”ни янгилик, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёни ҳамда умумий тарихий ҳодиса сифатида минтақанинг барча неолит даври жамоалари тарихи билан боғлашга уринишга ўхшайди. Бу борада минтақа миқёсида неолит даври қабилалари орасида хўжалик-маданий турмушнинг нотекис ривожланганлиги, табиий-географик шароитдан келиб чиққан ҳолда овчиликдан чорвачиликка ва термачиликдан деҳқончиликка ўтиш баъзи жойларда нисбатан эрта, бошқа жойларда бирмунча кеч бошланганлиги етарлича ҳисобга олинмаган.

Аҳоли сонининг ортиб бориши оқибатида табиий ресурсларнинг чексиз ўзлаштирилиши ва уларнинг турли жойларда кескин камайиши ва чекланганлиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги усули – деҳқончилик ва чорвачиликка ўтишнинг асосий сабабларидан бири бўлган. Шу тариқа узок даврлар давомида ҳайвонот ва ўсимликлар оламига доир тўпланган билимлар хўжалик соҳаларида янги кашфиётларга олиб келган, деҳқончилик ва чорвачилик тарихи бошланган.

6. Бироқ турли ҳудудларда, хусусан, Ҳисор, Сазағон, Марказий Фарғона, Калтаминор каби неолит даври маданиятлари ёйилган, табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой ва ўзлаштирувчи хўжалик талабини қондирувчи озуқа манбалари сероб бўлган табиий-географик шароитда ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш зарурати бирданига вужудга келмаган. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларида неолит даврида жанубий вилоятларга нисбатан анъанавий овчилик, термачилик ва балиқчилик, яъни ўзлаштирувчи хўжалик устунлик қилган. Қабилаларнинг турмуш тарзи, меҳнат қуроллари, уй-жойларнинг қурилиш усуллари ҳамда табиий бошпана – ғор-маконлардан фойдаланиш узок ўтмиш анъанаси ва моддий маданияти шундан гувоҳлик беради.

7. Ўзлаштирувчи хўжалик ва ибтидоий жамоа муносабатларининг кўп асрлар мобайнида сақланиб қолиши натижасида, минтақанинг шимоли-шарқий вилоятларида ишлаб чиқарувчи кучлар, ҳунармандчилик ва бинокорлик соҳалари ҳамда технологик ихтиролар суст ривож топган. Шу сабабли мазкур вилоятларда давлатчилик тизими, шаҳарсозлик маданияти ва ихтисослашган ҳунармандчилик жанубга нисбатан бироз кеч пайдо бўлган. Бу хусусиятларни ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

8. Ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжаликлар тармоқларига асосланган уруғчилик жамиятларининг ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий белгилари, айниқса, ҳудудий ташкилот ва мулкий муносабатлари бир-бирдан фарқ қилган. Ибтидоий жамиятда ижтимоий бошқарув зарур ташкилий фаолият сифатида, жамоа манфаатлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубида ижтимоий меҳнат тақсимотининг кучайиши натижасида ташкилий бошқарув алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқиб, унинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, диний ва ҳудудий функциялари вужудга келган. Иқтисодий ва жамоатчилик вазифаларни ҳал қилиш ҳамда амалга оширилиши касбий бошқарув фаолиятига асосланган. Унинг пайдо бўлиши билан маъмурий-ҳудудий бошқарув тарихи бошланган. Натижада ибтидоий уруғчилик жамоаси даври ижтимоий тизимидаги бошқарувдан фарқли равишда, турли вазифаларни камраб олувчи янги бошқарув фаолияти юзага келган.

9. Ўрта Осиёда ибтидоий жамиятдан давлатчилик тизимига ўтиш сабаблари бронза даврида аҳолининг ҳудудий белгилар асосида тақсимланиш, хусусий мулкка эга бўлган катта патриархал оилаларнинг ажралиб чиқиши, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг вужудга келиши, зироатчилик воҳа-туманлари аҳолисининг муҳим ҳаётий манфаатларини амалга ошириш ҳамда жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий алоқаларини мувофиқлаштириш зарурияти билан боғлиқ бўлган. Мазкур жараёнда жамоаларни бирлаштирган диний омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, бу масалани аниқлашда ташқи миграциялар таъсири ва оқибатлари ҳам эътиборга молик. Энеолит ва бронза даврларида улар экологик, демографик ва ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан боғлиқ бўлган. Миграциялар этносларнинг қоришиб кетишига олиб келган. Натижада моддий ва маънавий маданият ўзгариб, янги қиёфа касб этган.

10. Ўрта Осиёнинг жанубида цивилизациянинг илк белгилари бронза даврига оид Намозгоҳ – Олтинтепа маданиятида ўз аксини топган. Илмий адабиётларда мазкур маданият “Олтинтепа цивилизацияси” деб аталади. Мил. авв. III минг йилликнинг охирлари – II минг йиллик бошларида Марғиёна ва Бақтрияда маркази сарой ва ибодатхоналардан иборат бўлган воҳа-давлатлари вужудга келган. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳудудий тузилиши асосини зироаткор аҳоли, ибодатхона ва сарой мулкчилиги, илк шаҳарлар, қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик жамоалари ташкил этган. Марғиёна – Бақтрия бронза даври маданиятининг кенг миқёсда ёйилиши

жараёнида ташқи миграциялар катта аҳамият касб этиб, бу цивилизация ривожланишининг муҳим омилига айланган.

11. Ўрта Осиё тарихида мил. авв. X-VIII асрлар алоҳида этник бирликларнинг шаклланиши босқичига тўғри келади. Кўп жиҳатдан бу давр ижтимоий ташкилоти ҳарбий демократия тузумига яқин бўлган. Бу ижтимоий тузумда жангчилар, ҳарбий зодагонлар, коҳинлар ва қабилалар уюшмаларининг йўлбошчилари – кавийлар ўз мавқеи билан ажралиб турган.

Мил. авв. VII асрда Марғиёна, Харайва – Арейя, Бактрия ва Суғд ҳудудларида тарихий-маданий бирликнинг шаклланиши жараёнида аҳолининг умумий маданияти, тили, дини (зардуштийлик) ва этник қариндошлиги энг муҳим бирлаштирувчи омил сифатида катта аҳамият касб этган. Сиёсий жиҳатдан бу тарихий-маданий бирликнинг ҳудудий доирасида алоҳида вилоятлар, мулклардан иборат конфедератив подшоликка ўхшаш давлат пайдо бўлган. Бу сиёсий бирлашма – конфедерация маркази Бактрияда жойлашган.

Хоразм воҳаси ва Фарғона водийсида давлатчилик тизимининг вужудга келиши ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий сабаблар билан белгиланиб, бу жараён ҳарбий демократия тамойилларига асосланган.

12. Муҳим хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёда илк давлатларнинг вужудга келишида мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш, жамиятда қарама-қарши синфларнинг пайдо бўлиши ва улар ўртасидаги курашнинг кескинлашуви каби сабаблар ҳал қилувчи, асосий белгиларни ташкил этмаган. Бу борада давлатнинг келиб чиқишига оид назарияларнинг хилма-хиллиги эътиборга молик. Энг аввал, давлатнинг шаклланиши аҳолининг муҳим умумий манфаатларини амалга ошириш, ижтимоий алоқаларни тартибга солиш, жамоаларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш зарурати билан белгиланган. Шу сабабли сиёсий-маъмурий ва ҳудудий жиҳатдан давлат дастлаб нисбатан кичик бирлашмани ташкил этган.

Тадқиқот натижалари қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар**ни ишлаб чиқиш имконини берди:

Ўрта Осиёнинг энг қадимги ва қадимги давр тарихини ўрганишга доир илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишларини янгидан йўлга қўйиш, цивилизация ва давлатчилик тарихига оид инновацион мазмундаги махсус курслар ва янги педтехнологияларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта Осиё халқларининг кўп жиҳатдан умумий бўлган тарихига оид илмий муаммоларнинг мавжудлиги маълум. Бугунги кунда уларни ҳал қилиш Марказий Осиё давлатлари тарихчи олимларининг интеграциясини талаб этади. “Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы” мавзусидаги халқаро илмий-минтақавий конференциянинг 15 йил аввал ўтказилганлигини ҳисобга олган ҳолда, умумий тарих ва маданий меросни ўрганишда минтақа мамлакатлари тарихчи, археолог ва этнологларининг ҳамкорлигини тиклаш ва янгидан

йўлга қўйиш вазифаси долзарб бўлиб, ўзаро илмий алоқалар турли муҳим масалаларни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш имконини беради ва бу йўналишда ҳолис илмий тамойилларни қарор топтиришга замин яратади. Бундай ёндашув минтақа цивилизацияси мазмун-моҳиятини, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини чуқур англашга кўмаклашади. Шу боис мазкур мавзуга оид илмий-оммабоп адабиётларни яратиш, тарихий-маданий мерос анъаналарини кенг тарғиб қилиш катта аҳамиятга эга.

Олий таълим муассасалари талабалари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун ўқув қўлланмалар ҳамда дарсликларни қадимги давр тарихига доир янги маълумотлар билан бойитиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” монографиясини яратиш мақсадида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва бошқа мамлакатлар олимлари иштирокида фундаментал илмий тадқиқот режасини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tar.01.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУЛЛАЕВ УТКИР ИСМАИЛОВИЧ

**ИСТОРИЯ ПЕРВОБЫТНООБЩИННОГО СТРОЯ И РАННЕЙ
ГОСУДАРСТВЕННОСТИ СРЕДНЕЙ АЗИИ**

07.00.01 – история Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.DSc/Tar70.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице (www:ik-tarix.nuu.uz), и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный консультант:	Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич доктор исторических наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	Атаходжаев Азимходжа Музаффарович доктор исторических наук Анарбаев Абдулхамиджон доктор исторических наук Холматов Нормохамад Урозович доктор исторических наук
Ведущая организация:	Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней за номером DSc.27.06.2017.Tar.01.04 при Национальном Университете Узбекистана, научно-исследовательском Институте общественных наук Каракалпакстана «___» _____ 2019 года в ___ часов (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Мирзо Голиба, исторический факультет Национального университета Узбекистана, 1-этаж, 110-аудитория.) Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; E-mail: nauka@nuu.uz (Национальный университет Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано под номером ____). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Главный корпус). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(протокол реестра за номером _____ от «___» _____ 2019 года)

А.А.Маврулов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.и.н., профессор

Д.Ж.Ураков

Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, к.и.н., доцент

Г.А.Агзамова

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора исторических наук) (DSc)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В начале XXI века ускорение социально-экономического прогресса в мире определило новый этап традиций государственности, что ставит ряд задач в решении вопроса поддержания международных отношений и упрочнения взаимного сотрудничества. В этом плане обращение к традициям гуманизма, ценностям толерантности и урокам культурного диалога, проявившихся в истории цивилизации и государственности, способствует устойчивому развитию человечества. Поэтому значение этой важной задачи повышается постоянно в мировом масштабе.

Древняя история и культура Средней Азии, проблема формирования в регионе ранней государственности, исследуется в ряде научных центрах мира. В данном направлении особое значение имеет анализ историографии первобытнообщинного строя и ранней государственности, особенностей историко-культурного развития в разных географических условиях, факторов перехода от первобытного общества к системе государственности, влияния миграций на этнокультурные процессы, происхождение государства в среде оседлоземледельческого населения и скотоводческих племен.

В настоящее время в нашей республике осуществляется целенаправленная работа по дальнейшему развитию научно-исследовательской деятельности, организации новых исследований и разработки актуальных тем в сфере истории и археологии. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по созданию телеканала «O‘zbekiston tarixi»» положило начало новому этапу реформ, проводимых в этой сфере¹. Это в свой черед способствует более глубокому освещению значения вклада населения древней Бактрии, Маргианы, Согда, Хорезма и Ферганской долины в развитие региональной и мировой цивилизации, а также позволяет раскрыть это на основе историко-хронологической последовательности и обогатить историю региона новыми данными.

Настоящая диссертация в определенной степени послужит выполнению задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года ПП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах», в Указе Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2017 года ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», в Распоряжении от 18 января 2018 года Ф - 5181 «Об улучшении защиты и использовании объектов материально культурного и археологического наследия», а также в нормативно-правовых документах Кабинета Министров Узбекистана.

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан от 11 июля 2019 года ПП-4390 «О мерах по созданию телеканала «O‘zbekiston tarixi»».

Связь исследования с приоритетными направлениями науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики. «I. Пути формирования и осуществления системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.² Научные исследования, посвященные вопросам истории первобытнообщинного строя и ранней государственности Средней Азии проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Национальном Центре научных исследований (Франция), Германском институте археологии, в Оксфордском и Шеффилдском университетах (Великобритания), Неапольском университете (Италия), Институте классической археологии (Чехия), Институте востоковедения Академии наук Российской Федерации, Институте археологии и этнографии Сибирского отделения Академии наук Российской Федерации, Государственном музее Востока (Россия), Токийском университете (Япония).

В результате исследований на стоянке Обирахмат в Ташкентском оазисе найдены разные типы орудий труда, свидетельствующие о хозяйственной деятельности в древнекаменном веке (Сибирское отделение АН Российской Федерации); в Южном Узбекистане на стоянке эпохи неолита Туда выявлены материальные источники, показывающие особенности развития здесь присваивающего хозяйства (Токийский университет); на основе изучения раннеземледельческого поселения Джейтун в Туркменистане получены новые данные, раскрывающие процесс перехода к производящему хозяйству (Оксфордский и Шеффилдский университеты); на поселениях эпохи ранней государственности – периода бронзы (Джаркутан, Германский институт археологии) и раннего железа

²Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: [https://archaeology.nsc.ru](https://archaeology.nsc.ru;); <http://www.hsu.ru>; <http://archaeology.uz>; <https://www.ehess.fr>; <https://uzhistory.uz>; <https://soas.ac.uk>, а также на основе других источников: Hiebert F.T., Lamberg – Karlovsky C.C. Central Asia and the Indo – Iranian Borderlands // Iran, 1992. Vol. 30. – P. 1-15; Lamberg – Karlovsky C.C. The Bronze Age khanates of Central Asia // Antiquity, 1994. Vol. 68 (259). – P. 398-405; Hiebert F.T. Production evidence for the origins of the Oxus Civilization // Antiquity, 1994. Vol. 68. – P. 373-387; Francfort H. – P. The Central Asian dimension of the symbolic system in Bactria and Margiana // Antiquity, 1994. Vol. 68. – P. 406-427; Harris D.R., Gosden C., Charles M.P. Djeitun: Recent Excavation at an Early Neolithic Site in Southern Turkmenistan // Proceedings of the Prehistoric Society, 1996. Vol. 62. – P. 423-442; Boroffka N., Cierny J., Lutz J. Bronze Age tin from Central Asia // Late Prehistoric Exploitation of the Eurasian Steppe. – Cambridge, 1999. – P. 14-29; Huff D. Tempel oder Palast? Dscharkutan – Monumentalbauten und Siedlung im bronzezeitlichen Baktrien // Archäologische Entdeckungen. – Mainz, 2000. – S. 115-118; Salvatori S. Bactria and Margiana Seals. A new Assessment of their Chronological Position and a Typological Survey // East and West, 2000. Vol. 50. – P. 97-145; Hiebert F.T. Bronze Age interaction between the Eurasian steppe and Central Asia // Ancient intera actions: East and west in Eurasia. – Cambridge, 2002. – P. 237-248; Lamberg – Karlovsky C.C. Civilization, state or tribes? Bactria and Margiana Bronze Age // The Review of Archaeology, 2003. Vol. 24. – P. 11-19; Huff D., Shaydullaev Sh. Djarcutan // Archäologischer Anzeiger. – Berlin, 2003, - P. 110-113; Cattani M. The final phase of the Bronze Age and the “Andronovo question” in Margiana. – Oxford: Archaeopress, 2008. – P. 119-132; Kaniuth K. Long distance imports in the Bronze Age Southern Central Asia: Recent finds and their implications for chronology and trade // Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan. – Berlin, 2010. – P. 3-22; Danielisova A., Stančo L., Shaydullaev A. Preliminary report of archaeological survey in Sherabad District, South Uzbekistan in 2009 // Studia Hercynia. Vol. XIV. Pl. 28. – P. 67-90; Dupuy P.D. Bronze Age Central Asia. – Oxford University Press, 2018. – P. 1-25.

(Коктепа, Национальный Центр научных исследований, Франция) изучены материальная культура, храмы, система фортификации и структурные изменения в жилой архитектуре; исследованы культурно-экономические связи древних скотоводов и земледельцев эпохи бронзы на основе раскопок памятников Южного Таджикистана (Институт востоковедения АН Российской Федерации), а также Южного Кыргызстана (Неапольский университет); открыты ранее неизвестные памятники эпохи бронзы и раннего железа в Пашхурдском и Карабагском оазисах в предгорьях Кугитанга, материалы которых имеют важное значение для изучения истории ранней государственности (Государственный музей Востока, Россия; Институт классической археологии, Чехия).

В настоящее время осуществляются исследования по таким ведущим направлениям вопросов истории первобытнообщинного строя и ранней государственности Средней Азии, как сравнительный анализ особенностей культуры племен, развивавшихся в различных природно-географических условиях в эпоху формирования хозяйственно-культурных типов в первобытном обществе, влияние миграций эпохи бронзы на этнокультурные процессы, формирование государственности, развитие градостроительства, архитектуры и ремесла.

